

Ҳасанбой Ғойиб

ҲАЖРИДА КУЯР КЎНГИЛ

Қўрғонтепа - 2012

ББК 84 Тоҷик 7-5
Ғ- 49

Мухаррир: Жамшид Пиримов
Компютерда саҳифаловчи: Азамат Юсупов

Ғ-49 Ҳасанбой Ғойиб «Ҳажрида кӯяр кўнгил» (шеърлар)
Қўрғонтепа, «ГРАФИКА» 2012 йил 160 саҳ.

Китоби мазкур бахшида ба 15-солагии Ваҳдати
Миллӣ бо дастгирии Кумитаи Иҷроияи ибтидоии ҲХДТ
дар ҚВД «Ширкати Алюминий Тоҷик» нашр гардидааст.

ISBN 978-99947-861-3-8

Муаллифлик ҳуқуқи Тоҷикистон Ҷумҳурияти
қонунлари ва ҳалқаро нормалар билан ҳимояланади.

**БУНЁД ЭТГАН БОҒИНГДА
ЯШАШНИ НАСИБ ЭТСИН**



*Муножот
Саловот
Абу Бакр Сиддиқ (р.а)
Чаҳорёрлар мадҳида
Рози дил
Ватан
Наврўз таронаси
Обод ватанда
Иброҳимбекнинг Ватанга қайтиши
Сурурбахш келажак истаймани
Устозим ҳақида
Ватан яши
Тинчлик қўшиғи
Хатлонзамин
Азиз ватандошларимга
Ўзбеги тожик элимнинг*

Муноҷот

Илоҳо, бандаи ожиз Ғойибман,
Шеърят саҳнида ночиз Ғойибман.
Аммо умид бир-ла чекиб ранж, алам
Сенга роз айтмоққа тутдим мен қалам.
Чунки ноумидлик шайтонга хосдир,
Умид дилга қувват бериши ростдир.
Илк шеърӣ дафтарим атаб мен «Висол»,
Сенинг висолингни айладим тимсол.
«Руҳим ранглари»да ботиб хаёлга,
Ўзимни илк бора тутдим саволга.
Мени ошиқ этди илк бор жамолинг
Гўзаллик бобида фазлу камолинг.
Сўнг умримда кечди «Уйғониш фасли»,
Руҳимда бедорлик ва ёниш фасли.
Сен мени Мажнундек сарсон айладинг,
Кўйингда ошиғу хайрон айладинг.
Дилим соғарига ишқинг қуйилди,
Ҳар не кўрсам сенинг бўлиб туюлди.
Гоҳ Ватан ишқида, гоҳ ёр ишқида,
Гоҳ фарзанд ишқида, гоҳ дор ишқида,

Меҳру муҳаббат-ла ашъорлар битдим,
«Кўнглим гуллари»ни мен иншо этдим.
Ишонганим учун фазлингга сенинг,
Сўз айтмоқ истадим васфингга сенинг.
Шу ондан бошланди ҳижрон кунлари,
Ҳижронмас «Юракнинг маҳзун тунлари».
Кезиб юриб умр манзилларида,
Баҳра олиб назм қандилларидан.
Улуғ устозлардан олиб мен ўрнак,
Ҳам савоб умиди бир-ла ўрганмак.
Ҳар икки халқ учун бўлсин деб ҳадя,
Дўстлик ришталари боғлансин дея.
Таржима ишига мен жазм этдим,
Қудратим етгунча мен назм этдим.
Илоҳим, ниятга элтгувчи ўзинг,
Муродимни ҳосил этгувчи ўзинг.
Ожизона ёзган хомаларимни,
Хома эмас, кўнгил номаларимни.
Менга ҳам, элга ҳам зеру торақ эт,
Ўқиган зотларга сен муборақ эт!

27.05.2012йил

САЛОВОТ

Тенгингиз йўқ камолотда,
Мислингиз йўқ саховатда.
Ҳам раҳмату барокотда,
Ё, Муҳаммад Мустафо! (с.а.в.).
Қалбимнинг қўри ўзингиз,
Кўзимнинг нури ўзингиз.
Бор олам сири ўзингиз,
Ё, Муҳаммад Мустафо! (с.а.в.).
Сиз вафода денгиз мисол,
Юсуфданда соҳибжамол!
Соҳибмеърож, соҳибвисол
Ё, Муҳаммад Мустафо! (с.а.в.).
Гарчи осий умматдирман,
Ёдингиз-ла сармастдирман.
Толиби шафоатдирман,
Ё, Муҳаммад Мустафо! (с.а.в.).

27.05.2012йил

**Расулulloҳ (с.а.в)нинг ғордаги биродари
Абу Бакр Сиддиқ (р.а)нинг пок руҳларига**

Дўстлар бўлинг садоқатли Абу Бакр Сиддиқ каби,
Самимий ва матонатли Абу Бакр Сиддиқ каби.
Кеча кундуз яшайдиган мўъминларнинг дарди билан,
Инсон бўлинг шижоатли Абу Бакр Сиддиқ каби.
Ёлғончилик хиёнатдир, тўғрилиқ ҳам омонатдир,
Бўлинг ростгўй, жасоратли Абу Бакр Сиддиқ каби.
Ким камтарин бўлса агар Ҳақнинг ўзи юксалтирур,
Бўлинг фазлу камолотли Абу Бакр Сиддиқ каби.
Тўғри яшаш бош усули, раҳнамози Ҳақ Расули,
Бўлинг ҳаққа ҳидоятли Абу Бакр Сиддиқ каби.
Ғойиб изҳор этди дилин, дилдан тилаб ҳақнинг йўлин,
Тангрим этсин диёнатли Абу Бакр Сиддиқ каби.

31.01.2012 й.

ЧАҲОРЁРЛАР МАДҲИДА

Саховат нелигин билмоқчи бўлсанг
Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқдан ўрган.
Ҳазрати Умардек одил подшоҳни
Айт, қайси замонда қайси халқ кўрган?
Покликнинг рамзидир Ҳазрати Усмон,
У зотдан ҳурлар ҳам ҳаё қилишган.
Ҳазрати Алининг жасурлигидан
Ҳаттоки шайтонлар кўрқиб туришган.

28.05.2012 йил

РОЗИ ДИЛ

Ватан, бағрингдаги пинҳон ганжларинг
Жисму жониимизга бергайдир қувват.
Ҳурлик истаб чеккан озор, ранжларинг
Бекорга кетмади – келди хуррият.
Аммо юрагимни ўртар бир ҳадик
Қандай сарф этипмиз ушбу қувватни?
Кўз қорачиғидай асрай олдикми,
Истиклол аталмиш улуғ неъматни?!
Ватан, аждодларнинг хоки туфайли
Биҳиштга айланган гўзал бўстоним.
Кун келиб бир сиқим тупроғинг бўлиб
Розийдим бағрингга қўшилса жоним.
Мен сендан ҳеч нарса тамаъ қилмасман,
Онамсан – пойингга садқадир бошим.
Баъзан сенга қараб хўрлигим келар,
Кўзимдан қон бўлиб сизилар ёшим.
Ҳали қанча заҳмат чекмоқ керакдир,
Қутулмоқлик учун тўсиқ, ғовлардан.
Минглаб фарзанд керак Темурмалик¹ дек
Ҳимоя қилмоққа сени ёвлардан.

¹ Чингизхонга қарши курашган тожик халқ қаҳрамони

Уқдирмоқ бўламан ўғил, қизимга
Сени дилдан севмоқ кераклигини
Агар зарур бўлса, Ватан сен учун
Ҳатто жондан кечмоқ кераклигини.
Аммо сўз топмасман баён этмоққа,
Дилимни ўртаган қайғуларимни.
Яна қирқ йил керак ўргатмоқ учун
Қирқ йилда етилган туйғуларимни.
Тунлар қочиб кетар кўзимдан уйку,
Бўғзимга тикилиб келар фарёдим.
Менинг етти пуштим яшаган юртда
Озод яшармикан етти авлодим?!
Осмонга тикилиб ётаман ўйчан,
Нечоғ оғир ожиз яшаб ўтишлик,
Ёдимга тушади зафар истар чоғ,
«Инна фаттахна»ни тақрор этишлик.
Руҳим енгил тортиб, кўнглим ёришиб,
Таҳорат олгали аста тураман.
Тунда ўқилажак «Таҳажжуд» дан
Ватан, бахтинг сўраб дуо қиламан.

12.01.2012 йил.

Ватан

Ердаги жаннат ўзинг
Мангу бўстоним Ватан.
Жоним ичра жон ўзинг
Тоза иймоним Ватан.
Ҳар гиёҳинг тўтиё,
Малҳами жоним Ватан.
Сен туфайли хуш эрур
Ҳар нафас, оним Ватан.

13.06.2012йил

НАВРЎЗ ТАРОНАСИ

Наврўз келиб кулди олам яшнаб еру осмонлар,
Қутлуғ бўлсин халқимизга шу фаровон замонлар.
Ғарбу Шарқдан юртимизга ташриф этар меҳмонлар,
Меҳмон эмас улар бизга дилдош дўсту ёронлар,
Минг шукрим, пайдо бўлди бизга катта имконлар.
Паға-паға ёққан қорга тўлиб кетди ўнгу сўл,
Тоғларда қор мўлу анҳор, дарёларда сувлар мўл,
Яшнаб кетса не ажабдир ушбу йилда дашту чўл,
Наврўз келиб кулди олам, яшнаб еру осмонлар,
Қутлуғ бўлсин халқимизга шу фаровон замонлар.
Хуш кўкларнинг ифоридан илҳом олиб ёздим шеър,
Парвардигор юртга тинчлик, белимизга қувват бер.
Айни меҳнат палласидир- деҳқон ишлар тўкиб тер,
Наврўз келиб кулди олам, яшнаб еру осмонлар,
Қутлуғ бўлсин халқимизга шу фаровон замонлар.
Табиатнинг гўзаллиги дилга шукуҳ бахш этгай,
Бу шукуҳдан завқим ортиб дилнинг ғубори кетгай.
Адолатли бўлса подшоҳ эл ҳам муродга етгай,
Наврўз келиб кулди олам, яшнаб еру осмонлар,
Қутлуғ бўлсин халқимизга шу фаровон замонлар.

19.02.2012.

**ОБОД ВАТАНДА ОЗОД
ЯШАШНИ НАСИБ ЭТСИН**

Бунёд этган боғингда яшашни насиб этсин,
Аҳли мардга ошини ошашни насиб этсин.
Раҳбар бўлиб юриш ҳам отга минмоқ дегани,
Асл мард каби отдан тушишни насиб этсин.
Катта карвонда юргач, мақсад ҳам катта бўлар,
Азим қир, довонлардан ошишни насиб этсин.
Тожикистон гулбоғим, суянган улуғ тоғим,
Улуғлигинга ҳисса қўшишни насиб этсин.
Лаъли Бадахшонимсан, Хўжанду Хатлонимсан,
Лоиқ каби ишқингда жўшишни насиб этсин.
Ободлигингни истаб заҳмат чекурман тун-кун,
Ақлимга дарё бўлиб тошишни насиб этсин.
Тарихи минг йил бўлган менинг она халқимга
Оламда яна минг йил яшашни насиб этсин.
Худо азиз этгани ҳеч кимса хор этолмас,
Обод Ватанда озод яшашни насиб этсин.
Жаҳон томида яшаб, дунёга тилагим шу:
Аллоҳ розилигини топишни насиб этсин.
Гуллаб яшнасин доим она Тожикистоним,
Асл мардга зафарни қучишни насиб этсин.

24.01.2012 й.

**Иброҳимбекнинг Ватанга қайтиши
чоғида ўйлаганлари
Ёзувчи Эшмуҳаммад Доноҳоновга**

Бир ўқ кифоядир қутулмоқ учун
Виждон азобию қайғу, қирондан.
Аммо худкушлик ҳам номардлик эрур
Ватанга қайтмаслик каби Афғондан.
Аму соҳиллари алвон тус олди,
Жангда шаҳид кетган улус қонидан.
Ватан осмони ҳам қуюнга тўлди
Лақай улусининг дод-фиғонидан.
Ё тангрим, ким деган одамман энди
Ватанни хўрлаган душман олдида.
Мени деб қон тўкди неча минг одам
Қандай номим қолар халқнинг ёдида?!
Ё, тангрим, сен ўзинг тўғри йўл кўрсат,
Ўзинг мадад бергил содиқ қулингга.
Ай, она элима, мени авф этгин
Нафрат билан боқма содиқ ўғлингга.
Ай, она элима авф айла мени,
Қайтма деб ғов солма менинг йўлимга.
Сенинг номусингни сақламоқ учун
Ўзимни топширгум душман қўлига.
Бир ўқ кифоядир қутулмоқ учун
Виждон азобию қайғу, қирондан.
Аммо худкушлик ҳам қўрқоқлик эрур
Ватанга қайтмаслик каби Афғондан.
Ай, она элима мени авф айла...

12.05.2012йил

**СУРУРБАХШ КЕЛАЖАК
ИСТАЙМАН**

Сурурбахш келажак истайман
Жаннатий, гўзал ва соҳира.
Дилимга қувват бахш этгувчи,
Нурдек соф, тоза ва бокира.
Юрагим яйраса қувончдан,
Шодликдан порласа кўзларим.
Қуёшдек нур сочса соғинчдан
Сарғайиб қолган бу юзларим.
Бўстонга айланган Ватанда
Шод, хуррам яшаса одамлар.
Келажак бахти деб ҳар куни
Ташланса ҳар битта қадамлар...
Мен шундай келажак истайман.

10.01.2012 й.

УСТОЗИМ ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

1

Халқ ишончин оқламоқ учун,
Аямадим куч, шижоатни.
Хаёлимда асрадим доим,
Она, сизни ҳамда Ғурётни²

Ошно бўлди менга кўп зотлар,
Азиз билиб мен минган отни.
Учратмадим дунёда лекин
Она, сиздек меҳрибон зотни.

2

Ҳали қанча ишлашим керак,
Обод этмоқ учун Ватанни.
Сен тўхтама, уриб тур, юрак,
Қувватлантир руҳ ила танни.

Юрт дарди деб ўздан кечаман,
Тугал бўлсин дея шу ҳаёт.
Тушларимга кирар кечалар,
Болалигим бешиги -Ғурёт!

² Абдурауф аканинг туғилган кишлоғи, Ҳисор ноҳиясида.

ВАТАН ЯХШИ

«Ғариб қушга гулистондан Ватан яхши»

К. Хўжандий

Қўним топиб яшаш учун макон яхши,
Озод Ватан ато этган замон яхши.
Фаришталар омин дегай ҳар бир сўзга,
«Тинч-тотувлик бўлсин» деган ҳар он яхши.
Кўнгилдаги сирни кўздан билса бўлар
Ошиқларга висол учун бўстон яхши.
Ўзга юртнинг баланд тожу равоғидан
Паст бўлса ҳам ўзимизнинг айвон яхши.
Миннат ошдан қаттиқ нон ҳам афзал эрур,
Узоқдаги оқ буғдойдан сомон яхши.
Бир оғиздан чиқар яхши, ёмон сўз ҳам,
Болдай ширин сўзлагувчи забон яхши.
Ғойиб ўқиб ҳикмат топди Хўжандийдан:
«Ғариб қушга боғу роғдан макон яхши».

2010.

ТИНЧЛИК ҚЎШИҒИ

Тарқаб юртдан туманлар, кетди гина, гумонлар,
Яшнаб еру осмонлар бир ажиб замон келди.
Олисларда қишлаган, тунлар бедор кишнаган,
Иймон отли бир тулпор чопиб биз томон келди.

Қарор топиб бирдамлик, юртга келди хурсандлик,
Тинчликнинг кабутари учиб соғ, омон келди.
Талошлардан чарчаган дилларда қувонч, шодлик,
Она диёримизга хуш даври даврон келди.

2001йил

Хатлонзамин бағрида кўпдир
Қадамжолар, зиёратгоҳлар.
Мен бу юртнинг хокини ўпдим,
Зиёратга борганим чоғлар.
Тавоф қилар зиёратчилар
Авлиёлар ҳаққи ҳурмати.
Хатлонзамин узра эрта кеч
Ёғиб турар Аллоҳ раҳмати.

2006й

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАРИМГА

Эл бошига иш тушса мард ўғлонлар шер бўлар,
Бир – биридан айрилмас, аҳил бўлар, бир бўлар.
Номард, кўрқоқ бўлса ким, ёв келмай бурун ўлар,
Бу синовлар барчаси ўткинчидир, муваққат,
Сабр, матонат билан меҳнат қилайлик фақат.
Юртинг ободлиги деб жондан кечган боболар,
Юртнинг озодлиги деб жондан кечган боболар.
Фарзандларнинг бахти деб нондан кечган боболар.
Бу синовлар барчаси ўткинчидир, муваққат,
Сабр, матонат билан меҳнат қилайлик фақат.
Синовлар бўлиб тургай ҳар миллатнинг йўлида,
Ўнгингда дўстинг бўлса, ағёринг бор сўлингда.
Биздан ният ижроси -Аллоҳимнинг кўлида,
Бу синовлар барчаси ўткинчидир, муваққат,
Сабр, матонат билан меҳнат қилайлик фақат.
Озод бўлмаса ватан обод бўлмагай илло,
Эл бахтиёр бўлмагай сочсанг бошидан тилло.
Яхши кунлар келгуси ғойибдан иншааллох,
Бу синовлар барчаси ўткинчидир, муваққат,
Сабр, матонат билан меҳнат қилайлик фақат.

2009й

Ўзбегу тожик элимнинг
Боши тўйдан чиқмас азал.
Оппоқ ният, орзусидан
Туғилади шеъру ғазал.
Ҳар бирининг тилагидир
Фарзандининг бахтини кўриш.
Бир ният бор юрагида
У ҳам бўлса тўйлар қилиш.
Элим доим осмонингда
Бахт қуёши порлаб турсин,
Тўйлар қилгин бутун жаҳон
Сенга ҳавас қилиб юрсин.

2002йил

УМР ЎТИБ



КЕТАР ЭКАН

Идрок
Ғайбдан келган садо
Гўзал ва чиройлик яшайлик
Мажнун фарёди
Илтижо
Руҳим боғларида барг ёзди
шодлик
Тонг чоғида
Яшаяпман гоҳ ғамгин, гоҳ шод
Умр ўтиб кетар экан
Видолашув кўшиғини
Дарахтаги ҳилпираган
Дедим: ғамга ботдинг Шодмон
Осмон қора тортиб ёмғирлар ёғса,
Оламни кезаркан ортди ҳайратим
Ошиқона
Одам
Зорим бор юракда
Сирожиддин Саййидга
Даврон Гулмуродовга
Ҳофиз Абдуваҳоб Тошматовга
Ёқубжон Абдуманнонга
Валижон Мусоевга
Лафзи йўқ зотлар
Оғир лаҳзаларда
Яхшилик қилгину
Умр –бебаҳо
Инсон умри
Матлабим

Туғилмоғу ўлмоқлик
Одам насли
Бизнинг
Дунё
90-йиллар
Устувор ғоя
Ёзнинг жазирама
Дунё ичра бахтимни
Эй, дор
Давронбек бобомнинг армони
Ўзинг асра мени туморим
Жараён
Хаёлим орзулар
Йўли очик бўлсин
Шоир кўзларимда
Ўн олти ёшдаимиз
Боғбон қишлоқ йўлларида
Хотирамда шундай қолгандир
Остонада турар янги йил
Бувижоним
Онамни эслаб
Онамнинг айтканлари
Асра менинг онамни
Манзоб дарёсига
Баҳор кириб келди
Ёр-ёр
Баҳор нафаси
Келин пошшога насиҳат.

ИДРОК

Танҳо ўзинг боқийсан Тангрим!
Дунё недир? Ўткинчи шамол.
Макон бўлсин ё замон бўлсин,
Бир кун албат топади завол.
Таърифингни ташбех этмоққа
Қаламимнинг етмас қудрати.
Сени идрок этганим сайин
Ортиб борар дилда ҳайратим.

20.05.03й.

ҒАЙБДАН КЕЛГАН САДО

«Сизга бу дарсдир, вале сиз беҳабар»³
Сизга бу фарздир, вале сиз беҳабар.
Сизни яратмоқдан мурод тоат эди,
Бандалик ҳам қарздир, вале сиз беҳабар.

08.03.2012.

3 Қуръон ояти.

***ГЎЗАЛ ВА ЧИРОЙЛИК ЯШАЙЛИК
(МУВАШШАҲ)***

Зор қилиб ҳар ўтган лаҳза, онига
Устимиздан вақтнинг карвони ўтар.
Лоақал боқмагай ортига, аммо
Фироқ алангасин кўнгилда ёқар.
Ибтидодан борар интиҳо томон
Ялинсак ҳам қайтмас- кетиб борар у.
Гўзал ва чиройлик яшайлик ҳар он,
Азизим, дунёда хотира мангу.

20.04.2012йил

МАЖНУН ФАРЁДИ

Дилимни ишққа тўлдурғон
Ўзингдирсан, ўзингдирсан.
Тилимга зикрин билдирғон
Ўзингдирсан, ўзингдирсан.
Балога мубтало айлаб,
Мажнуни бенаво айлаб.
Фироғингда зор куйдирғон
Ўзингдирсан, ўзингдирсан.
Ошиқлигим ҳаддан ошди,
Завқим дилдан жўшиб, тошди.
Жабрини жонга туйдирғон
Ўзингдирсан, ўзингдирсан.
Ҳажрингда сарсон юргайман,
Гоҳ йиғлаб, гоҳо кулгайман.
Ҳам куйдириб ҳам суйдирғон
Ўзингдирсан, ўзингдирсан.
Муродимни ўзинг бергин,
Хаста жонга тўзим бергин.
Лайлини менга севдирғон
Ўзингдирсан, ўзингдирсан.

24.01.2012

ИЛТИЖО

Қора булут қоплаганда ёққан ёмғирлар мисол,
Кўзларимда ёшларим шашқатордир, шашқатор.
Юрагимни ғам булути ўртагай тун- кун эзиб,
Неча кунки хаёлимни улар ёди банд этар.
Дилга ором тополмайман, келаверар бўзлагум,
Титроқ тутар совуқларга дош бермас бу танамни.
Ота-онам меҳрин қўмсаб, дийдорини излагум,
Раҳматингга олгин тангрим, менинг ота-онамни.
Ота-она давлат экан, қиёси йўқ бир давлат,
Афсус қадрин билмагаймиз улар тирик чоғида.
Тангрим, сендан тилайдирман тирикдирман то абад:
Қабрларин боғча айла жаннатингнинг боғидан.
Ётган жойин тупроғини айлантир пар тўшакка,
Ҳавзи Кавсар сувидан бер, эшит менинг ноламни.
Бу дунёдан яхшиликни кўрмай кетишди улар,
Раҳматингга олгин тангрим, менинг ота-онамни.
Суюкли зот шафоатин насиб айла уларга,
Ҳисоб чоғи ўнг томондан бер номаи аъмолин.
Пулсиротдан ўтган чоғда чироғ бўлсин иймони,
Қиёматда сен улардан дариг тутма жамолинг.
Қодир эгам, Раҳимдирсан, Раҳмондирсан сен ўзинг,
Қудратинг-ла яратгансан ўн саккиз минг оламни.
Гарчи ожиз бир қулингман ,эшит менинг дил сўзим:
Раҳматингга олгин тангрим, менинг ота-онамни.

04.03.2012й.

***РУҲИМ БОҒЛАРИДА БАРГ ЁЗДИ ШОДЛИК
(МУВАШШАҲ)***

Нигоҳим қадалди ойдин йўлларга
Аслимга қайтгандек бўлдим мен яна.
Руҳим боғларида барг ёзди шодлик,
Гўзал туйғуларим қилди тантана.
Илоҳим, хайрингни аяма мандан,
Зурриёдимга сен паноҳ бер доим,
Абад миннатдорман, Тангрим, мен сендан.

21.04.2012йил

***Акам каби улуғим-Поччам
Садриддин Фахриддиновга марсия***

Тонг чоғида келган совуқ хабардан
Қарсиллаб синдику юрак дарахтим.
Тоғлар қулаб тушди, ёрилди осмон,
Қиёмат кўпгандек бўлди гўёки.
Тилимга сўз келмас, бўғзимга йиғи,
Йўлда туриб қолдим бир лаҳза қарахт.
Жигаримни тешди ғамнинг санчиғи,
Сафаринг бахайр, эй улкан Дарахт!

20.04.2012йил

Яшаяпман гоҳ ғамгин, гоҳ шод
Юрак тўла илинжим билан.
Гоҳо нафсга банда, гоҳо озод,
Орзу, армон, ўтинчим билан.
Яшаяпман, қирқ тўртга кириб
Топмади ҳеч юрагим ором.
Тушларимга киради ҳамон
Олисларда қолган дилором.
Баъзан ўтган умрим дафтарин
Варақлайман сарҳисоб учун.
Яшадимми Ҳаққа муносиб,
Бандалардек мен, мисол учун?
Қулоқ тутсам халқ мақолига
Камолотга етибман мен ҳам.
Энди Ҳақ деб яшамоғим шарт,
Кичик ёшдан ўтибман мен ҳам.
Барча айбу нуқсонларимни
Тузатмасам бўлгайдир уят.
«Тангри ўзи қўллагай - дерлар,
Гар пок бўлса кўнгилда ният».
Яшаяпман гоҳ ғамгин, гоҳ шод...

15.01.2012 й.

Умр ўтиб кетар экан
Оддий, оддий фурсатларда
Гоҳ меҳнат, гоҳ рухсатларда.
Баҳору ёз, куз, қишларда
Умр ўтиб кетар экан,
Умр ўтиб кетар экан.
Ким ҳаётдан олиб сабоқ,
Ким шайтонга бўлиб ўртоқ.
Югур-югур ташвишларда
Умр ўтиб кетар экан,
Умр ўтиб кетар экан.
Мўъжиза деб қитоб «Қуръон»,
Жилдга ўраб, очмай бир он.
Маъракада юришларда
Умр ўтиб кетар экан,
Умр ўтиб кетар экан.
Пайдо бўлди турфа оқим,
Мазҳаб биру турфа ҳукм.
Амалсиз баҳс, талошларда
Умр ўтиб кетар экан,
Умр ўтиб кетар экан.

Бозор бўлди энг қизгин иш,
Мажбур этмиш шунга турмуш.
Ўлчаниб зар, кумушларда
Умр ўтиб кетар экан,
Умр ўтиб кетар экан.
Ота-она буюк давлат,
Хизмат этмай бўлиб фарзанд,
Давру даврон суришларда
Умр ўтиб кетар экан,
Умр ўтиб кетар экан.
Акам, укам, опам, синглим
Сизга қараб чўкар кўнглим.
Эсиз, жанжал, урушларда
Умр ўтиб кетар экан,
Умр ўтиб кетар экан.
Ғойиб, умринг ғанимат бил,
Ҳар нафасинг бир неъмат бил.
Йўкса афсус, нолишларда
Умр ўтиб кетар экан,
Умр ўтиб кетар экан.

15.01.2012

Видолашув кўшиғини
Куйлаб ётар ҳазин боғ.
Солланади дов – дарахтлар
Дили вайрон, бағри доғ.
Айрилиқнинг ёшларидек
Ёға бошлайди ёмғир.
Бу боғ ичра йиғламасдан
Юрмоқлик жуда оғир.
Азиз боғим ўксимагин
Менинг ҳам кўнглим ярим.
Юрагимни сенга очсам,
Тоғдек келар дардларим.
Кел, дардингни менга сўйла,
Сўнгра тинглагил оҳим.
Энди бизнинг жонимизга
Тўзим берсин Аллоҳим.

11.09.2002й

**«Тоғлар юнг каби бўлиб қолур»
«Маориж» сураси, 9-оят.**

Дарахтаги ҳилпираган яшил япроқ,
Бир кун хазон бўлишини билармикан?
Кўзимни – ку тўлдиради бир кун тупроқ,
Менинг кўнглим соғарлари тўлармикан?
Тунга менгзаб бормоқдадир кундузларим,
Осмонимда ғамгин боқар юлдузларим.
Нега эрта келдингиз сиз, ай, кузларим,
Менинг кўнглим соғарлари тўлармикан.
Бу дунёда неки бор маҳв этилгайдир,
Ҳатто азим тоғлар жундек титилгайдир.
Рухим-ку ўз қафасидан кутулгайдир,
Менинг кўнглим соғарлари тўлармикан?

07.04.02

Шоир Шодмон Жўраевга

«Мен қофия устида бош қотирсам, маҳбубим дерки, менинг юзимдан бўлак ҳеч нарсани ўйлама. Мен байту ғазаллардан ниҳоят халос бўлдим. Шоирлар бош қотирадиган бу нарсаларнинг ҳаммаси бир чақа, бир чақа.»

Радий Фиш. «Жалолиддин Румий».

Нечун гирёнларинг кулар ай, дунё,
Нечун шодмонларинг бунчалар ғамгин?

Сирожиддин Саййид

Дедим: ғамга ботдинг Шодмон не учун
Дардинг куйламайсан чок этиб яқо?

Деди: ҳақни англаб етгач мен учун
Шеър ёзиш, куйлашлар бўлди бир чақа.

Дедим: увол бўлур Тангри неъматини,
Шеър-ла баён айла ҳолингни, Шодмон.

Деди: менга йўқдир шеърнинг қиммати,
Кўйида ғамгинман, кўйида шодон.

Дедим: ёлғизликнинг эгаси Аллоҳ,
Узлатнинг шавқидан сўзла бир оғиз.

Деди: атрофимда одамлар тўп-тўп,
Аммо дардмандим йўқ, ёлғизман, ёлғиз.

Дедим: ёр васлидан мастмисан, Шодмон,
Қай мақомда ўзни ҳисоб этарсан?

Деди: ошиқликда фақат бор хижрон,
Васлин топган онинг куйиб кетарсан.

09.03.2012йил

«Ёмғирлар йиғлади мен кулиб ўтдим,
Қабрлар йиғлади мен кулиб ўтдим.
Кипригига ортиб дунё дардларин,
Сабрлар йиғлади мен кулиб ўтдим»

Шодмон Жўра

Осмон қора тортиб ёмғирлар ёғса,
Сен нечун куласан, тушунтир, Шодмон.
Қабрида зор тортиб, зорлар йиғласа,
Сен нечун куласан, тушунтир, Шодмон.
Кипригига ортиб дунё ғамини,
Сабри тугаб борар зотлар йиғласа,
Айтчи, сен топдингми дунё сирини,
Недан шодсан, Шодмон, нега куласан?
Қаламни синдирдим, энди ёзмайман,
Тамоша айлайман, - дейсан, дунёни.
Қалам синдиргунча Мавлоно Румий
Ҳақ йўлга чорлаган бутун Қўниёни.
Маломат қилишдан йироқман, аммо,
Маъносин топмадим мен ушбу сирнинг.
Тилагим, ҳақ йўлдан чиқмайлик асло,
Издоши бўлайлик Мавлоно пирнинг.

10.03.2012й

Оламни кезаркан ортди хайратим,
Дардим ортиб борди юрак боғида.
Англадим, умр бу олий неъматдир,
Дардни енгадирман илҳом чоғида.
Гарчи битилгандир тақдири азал,
Танлаш ихтиёри бордир бандада.
Комиллик йўлида юпанч шеър, ғазал,
Шеърдан кечгум ҳаққа етган паллада.

10.03.2012й.

ОШИҚОНА
Тасаввуфий кўшиқлар ижрочиси
Рустам Ғойибовга.

Эй, замон соқийси, кел,
Дард аҳлидин олгин хабар.
Ул санам васлини кўмсаб,
Куйдику жону жигар.
Қуй, қадаҳни тўлдириб,
Соқий, шафақранг бодалар.
Нўш этиб ғавғо қилайлик,
Жўр бўлсин шаҳзодалар.
Ишқ азал тақдиримиз
Ёрни бизга суйдурур.
Дил қуши парвонадек
Ўтда ўзни куйдурур.
Тўлғонур ошиқ танам
Айлабон дод, нодалар.
Оҳларим кўкларга ўрлар,
Чашмимдан ёғур жолалар.
Эй, замон соқийси, кел,
Дард аҳлидан олгин хабар.
Қуй шафақранг бодалар,
Ўзга чора йўқ дигар.

21.01. 2012 й.

ОДАМ

Бунёд этди ўз илми билан
Жаннатида қудратлиЯздон.
Азиз бўлди фаришталарга
Одам дея ном олган инсон.
Деди «Ема ушбу дарахтдан,
Сени йўлдан урмасин шайтон»,
Нафсига қул бўлди жаннатда
Одам дея аталган бу жон.
Сўнг туширди замин юзига
Айлай дея уни имтиҳон.
Сарсон юриб тазарру қилгач,
Азиз бўлди заминда инсон.
Халифалик унвонин берди,
Келтир дея Ўзимга иймон.
Ваъда этди жаннат, дўзахни,
Огоҳ этди қилма деб гумон.
Аммо инсон мудом исёнда,
Гуноҳларга ботади ҳар он.
Нафсу шайтон йўлида ҳануз
Ўз жонини этмоқда қурбон.

Пайғамбарлар, набилар берди,
Китоб берди ўқи деб Яздон.
Ҳар гал йўлдан адашаверди
Одам дея аталган бу жон.
Мудом ўзин ўтга ташлар у,
Осийликка ўрганган бу жон.
Ўн тўрт аср чорлаб турса ҳам
Ҳақ йўлига муқаддас Қуръон.
Эй одам, сен кўзларингни оч,
Тафаккур эт, хушёр торт бир он.
Раҳминг келсин ўз аҳволингга,
Фойда бермас сўнгги пушаймон.
Бир бор қўрққин эртанги кундан
Унда фақат жаннатмас ёлғиз.
Ўтин ғамлаб олов ёқиш-чун
Пойлаб турган дўзах бор, ёвуз.
Наҳот сенга ўрнак бўлмаса
Ўтганларнинг умр сабоғи?
Токай умринг кечгай исёнда,
Исёнингнинг борми адоғи?

14.02.2012й



2011 йил. Мирзо Турсунзоданинг 100-йиллик юбилейи арафасида. Шоира Шахрия, Султонмурод Одина, Зулфия Атойи, Ҳасанбой Ғойиб, Аскар Ҳаким, Ҳадиса Курбонова, Шарифа Алямова, Турсунзода шаҳри раиси Давлатшо Курбоналиевич Гулмаҳмадов, шаҳар раиси муовини Муҳаббат Жалолий, шoirнинг кизи Феруза Турсунзода.



Ҳ.Ғойиб, ТХДП Турсунзода шаҳар ижроия кўмитаси раиси М. Бобоева, Шарифа Алямова, М.Загитов, ТХДП-нинг «Талко» -даги бошланғич ижроия кўмитаси раиси И.З.Сатторов Улуғ Ватан уруши ветерани Ўтабой Расулов хонадониди.

Ҳажрида қуяр кўнгил



2004 йил Ўлмас Жамолнинг 70-йиллиги



Л.Шермагов, О.Жуманов, Жамшид Пиримов, Ҳ.Ғойиб
ва А. Бекмуҳаммад.



Ҳидоятулло Раҳмонийнинг 60-йиллигида



«Графика» полиграфияси бошлиғи Иброҳимжон Минияров, бевовчи Азамат Юсупов ва шоирнинг мухлиси Файзулло Ибодов.

Ҳажрида қуяр кўнгил



Шоирнинг устозлари Бўри Намозов, шодравон Н.М.Убайдуллоев ва Алимардон Шоймардонов



Поччаси шодравон Садриддин Фахриддинов, укалари Анваржон, Икромжон ва опаси Кароматхон Холмирзаева билан.

МУВАШШАҲ

Зорим бор юракда, аммо зўрим йўқ,
Одиллик шиорим, бундан кўнглим тўқ.
Кимдир яхши одам, ким эса ёмон
Истагим барчаси бўлсинлар омон.
Разолат аҳлидан юрдим мен йироқ,
Аҳли жўмардларга тан бергум, бироқ,
Камдир жўмардликни ихтиёр этган,
Аҳдига вафони дўст, ҳамроҳ тутган.
Гадоларни кўрдим, бошида тожи,
Англадим бой улким йўқ эҳтиёжи.
Ғалат экан одам аталган махлуқ,
Оллоҳ деб, шайтонга қилади куллуқ.
Йўлим тўғри айла, этмагин маҳзун,
Инсон боласининг орзуси узун.
Барига гувоҳсан эй, қодир Эгам
Дардим фориғ айла ўзинг мени ҳам.
Аллоҳим зикрингда зокир эт мени,
Нажот бер, тоатда моҳир эт мени.

18.05.2012.й.

**Ўзбекистон халқ шоири
Сирожиддин Саййидга**

Илоҳо, янги кунни элимизга муборак эт,
Саодатли онлар қадрин тилимизга таборак эт.
«Ҳумо қуши тарк этмасин Ўзбекистон осмонини»
Деган тилак- пок ниятни дилимизга муборак эт!
11.03.2012

**Тожикистон халқ ҳофизи, «Шашмақом»
ансамбли раҳбари Даврон Гулмуродовга**

1

Бир ариқдан сув ичганмиз Даврон билан,
Гоҳо шарбат, гоҳ қолганмиз айрон билан.
Шеъру ғазал бўстонида дил қонидан
Лавҳлар битдик, вале, юрдик, замон билан.

2

Халқ ҳофизи бўлди бугун Даврон ака,
Ифтихорга тўлди бугун Даврон ака.
«Шашмақом»ни чорак аср эл ёдида
Сақлаб келди, бахти бутун Даврон ака.
11.03.2012й.

Ҳофиз Абдуваҳоб Тошматовга

Нола қилса Ваҳоб ака, диллар титраб симоб бўлгай,
Эл дардини куйлаганда менинг бағрим кабоб бўлгай.
«Ватан обод мардлар билан», «Тасанно»ни куйлаганда,
Ҳасанбойга икки элдан бирдек дуо, салом бўлгай.

11.03.2012й.

Ёқубжон Абдуманнонга

Дунё кўҳна масал экан, хожи Ёқуб,
Бунда соғлар касал экан, хожи Ёқуб.
Ҳушёрнинг ҳам, ғофилнинг ҳам бу дунёда
Севгани бол, асал экан, хожи Ёқуб!

11.03.2012й.

**Қадрдон укам, хонанда
Валижон Мусоевга**

Сенинг асли ярминг тожик, ярминг ўзбек,
Икки элни қадрлайсан худди ўздек.
Жисмингга мос исминг бордир Вали деган,
Ярашиқли узукка жо бўлган кўздек.

11.03.2011

Лафзи йўқ зотлар

Лафзи йўқ кимсаларнинг сафида марди бўлмас,
Аларда мард пойининг ҳаттоки гарди бўлмас.
Келбат кериб, ҳаволаб, виқор-ла юрган билан,
Қалбида эл дардидан заррача дарди бўлмас.

11.03.2012й.

Оғир лаҳзаларда бўлма ноумид,
Сабр либосин ташлама асло.
Дарду ташвишини кўрармиш раво,
Ўзи ёрлақаган қулига худо.

2009

Яхшилик қилгину сувга ташлагин,
Миннат каломини сўзлама зинҳор.
Савоб арқонини маҳкам ушлагин,
Унутма, олдинда ҳисоб-китоб бор.

2005

Умр -бебаҳонеъматнинг
Кўпи кетиб ози қолди.
Инонганим бу қисматнинг
Ёзи кетиб кузи қолди.
Бисотимда муҳаббатнинг
Изтиробли нози қолди.
Юрагимда хиёнатнинг
Ўчмас бўлиб изи қолди.
Йўлларимда сукунатнинг
Овози йўқ сози қолди.
Тилларимда надоматнинг
Айтилмаган сўзи қолди.
Ортга боқдим дўсту ётнинг
Ҳайрон боққан кўзи қолди.
Олдда эса ёғоч отнинг
Якка, ёлғиз ўзи қолди.

2001йил

Инсон умри

Инсон умри манзил сари карвон эрур
Унинг йўли гоҳ гулшан, гоҳ ёбон эрур.
Такдир азал йўл бошловчи сорбон эрур.
Бу дунёда ким гадо, ким султон эрур
Барча ажал сайёдига жайрон бўлар.
Афсус чекма, гарчи умр ўткинчидир.
Яхши-ёмон кунлар унда ўтгусидир,
Савоблар ҳам, гуноҳлар ҳам етгусидир.
Бу дунёга келган одам кетгусидир,
Ҳар ғунча ҳам очилгач, сўнг хазон бўлар
Ғофил бўлма, ақл шамин ёқ тириксан.
Ҳар заррага дил кўзила боқ, тириксан,
Шукрона айт, бу имтиҳон чоғ, тириксан,
Бунёд айла яхшиликдан боғ, тириксан.
Шунда умринг мангуликка имкон бўлар.

07.02.2002й.

Матлабим.

Даввор фалак кенгликларида
Порлаб турган юлдузлар каби.
Менинг бедор қалбим қаърида
Юлдуз каби порлар матлабим.
Унинг бирла умрим сермазмун
Чорлар мени доимо олдга.
Ишонаман насиб этган кун
У элтади мени муродга.

2002

Туғилмоғу ўлмоқлик асли
Дунёдаги энг кўҳна масал.
Умринг қанча узун бўлмасин
Бир кун эшик қоқади ажал,
Заминдаги умр онийдир,
Елиб ўтар мисоли тулпор.
Аллоҳ боқий, барча фонийдир
Қолган барча гап, сўзлар бекор.
Аммо элу юртнинг ёдидан
Ўчмагайдир яхшилар оти.
Уқбода ҳам солиҳ зотларга
Насиб этгай жаннат роҳати.

01.03.03й

Одам насли ҳар хил яралган
Кимдир кучли, ким эса нимжон.
Тангри турли шамойил бериб
Бандаларни айлар имтиҳон.
Дейлик, кимдир дўстингман дея,
Шерик бўлар ичган ошингга.
Яна сенинг ғийбатинг қилиб
Орттиради ғавғо бошингга.
Бундайлардан сира ўксима
Кечиргину олма интиқом.
Билмаса ҳам яхшилик тила,
Ахир улуғ инсон деган ном.

05.03.03й

Бизнинг асл аждодлар
Бўлишгандир сарбадор.
Номусидан кечмаган,
Кезсалар ҳам дар-бадар.
Урчиганда дунёда,
Фитна, макру хийлалар.
Хоин бўлиб зиёда,
Мард юраклар қийналар.
Мардга дунё келса тор,
Тўкмас кўздан ёшини.
Хор бўлишдан қилиб ор
Дорга тикар бошини.

2003

Дунё бу кўҳна карвон
Илкида вақту замон.
Сорбонликка лойиқдир
Фақат бир сўзли инсон.
Дунё бу кўҳна майдон
Биздан олар имтиҳон.
Инсонликка лойиқдир
Фақат бир сўзли инсон.
Дунё бир кўҳна кўрғон
Ким бузади, ким қалқон.
Қалқонликка лойиқдир,
Фақат бир сўзли инсон.
Дунё бу кўҳна девон
Битгил унга бир дoston.
Дostonликка лойиқдир
Фақат бир сўзли инсон.
Дунё бу кўҳна уммон,
Чайқалади беомон.
Омон қолар бегумон
Фақат бир сўзли инсон.

2001

90-йиллар

Фитналар бошланди, бошланди ғорат,
Булғанда минг йиллик муқаддас тупрок.
Авж олди ватанда маккор тижорат,
Ватанни хўрлади бир тўда олчок.
Қадимдан биродар бўлган қавмлар
Айрилди бир зумда бўлак – бўлакка,
Олчоклар ўқталиб қора тийрлар
Ватанни зўрлади босиб тўшакка.
Зилол сувлар оққан гўзал дарёлар
Қорайди шаҳидлар қора қонидан.
Тижорат қурбони бўлди аёллар
Айрилиб жигари, мунис ёридан.
Қирилди бегуноҳ, мўмин бандалар
Ярмиси қочоққа айланди дайдиб.
Тузликка тупурган эй, шармандалар,
Бу йўлдан қайтингиз истиғфор айтиб.
Кибрга берилманг, бу йўлдан қайтинг,
Шайтон тузоғига бўлмангиз банди.
Сиздан нима қолар эртага, айтинг,
Аждодлар мероси она Ватанда?!

1998-2000 йиллар

Устувор ғоя

Мен билган, эшитган ғоялар ичра
Демократиядир энг қулай ғоя.
Уни талқин қилиш мумкин турлича
«Демократ» сўзини қўшсанг кифоя.
Бизнинг юртларга ҳам кириб келмоқда.
Устувор бу ғоя имиллаб, секин.
Ҳозирча эл фикрин эшитмоқ мумкин,
Унга амал қилиш шарт эмас лекин.
Инобатга олмай элнинг фикрини
Олғирлар қонунни бузиши мумкин.
Хоҳласа ўзига маъқул шахслардан
«Демократ» гуруҳлар тузиши мумкин.

01.03.2010й

Ёзнинг жазирама кунлари, кимдир
Анҳорга шўнғийди айни паллада.
Фақат бу пахтакор халқ аёллари
Кетмон чопадилар далада.
Ёзнинг жазирама кунлари, кимдир
Ҳордиғин чиқарар ётиб виллада.
Фақат бу пахтакор халқ аёллари
Кетмон чопадилар далада.
Бир аср олдин ҳам кунга қарашмай,
Улар кетмон чопган далада.
Бу ҳақда шеър ёзиш балки ярашмас,
Лекин ёзиш мумкин ғамгин баллада.

30.07.05.

Дунё ичра бахтимни
Жуда узоқ изладим
Сенинг илкинга тушдим.
Кўнгилдаги тахтимни
Ишқинг билан безадим
Танҳоликка етишдим.
Англадим, ким интилса
Ўзлигини топгайдир
Айлагач ўзни қурбон.
Ким ўзини англаса,
Саодатга етгайдир
Ўшадир бахтли инсон.

30.01.02

«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

«Кунтуғмиш» достонидан

«Бош ўзи не керак эрки йўқ элга?»

Рауф Парфи

Эй, дор, сен туфайли неча золимнинг

Озодлик хунида ювилган сочи.

То золим бор экан, ситам бор экан,

Қайга ҳам борардик биз сендан қочиб:

«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

Туркнинг бош авлоди Абу Турк Ёфас,

Унга тегишлидир туркларнинг тожи.

Тарих солиб турклар эркига қафас,

Уларни тарикдай ташлади сочиб:

«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

Кимки эрк истаюр, адолат истар,

Охири сен бўлдинг сўнгги меърожи.

Эй, дор, «Кунтуғмиш»да илк бор жаранглаб,

Барча ҳақдилларга бердинг йўл очиб:

«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

Токим эл, улусда бирлик йўқ экан,

Токим талош экан элнинг хирожи.

Эрксиз бошимизни этгали қурбон,

Қошингга келурмиз кўкракни очиб:

«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

04.05.2012йил.

**«Наманган согинчи» туркумидан
Давронбек бобомнинг армони**

Қора кунлар келди чинакам
Осмон узок, ер қаттиқ бўлди.
Наҳот юртда йўқ одил ҳакам
Дашти қипчоқ қабрга тўлди.
Акам, менинг мард, ботир акам
Бошинг олиб қайларга кетдинг?
Дилни тиглар бир аччиқ алам,
Қай ўлкага, манзилга етдинг?
Қайга борай бу ердан кетиб,
Укам сари бормоқ таҳлика.
Такир чўллар, тоғлардан ўтиб
Топарманми мен сизни, ака?
Бу юрт нега бунчалар сабил,
Бу юрт нега ғафлатда қотган?
Қайси айби учун бу ҳалқни,
Тангрим томуғ-дўзахга отган?!
Акам, менинг мард, ботир акам,
Юриб-юриб сизни топарман.
Баланд тоғлар бағрида қолиб
Ватан, сени мен яратаман.

11.03.2001йил

Ўзинг асра мени туморим
Нажотгоҳим, содиқ ҳамроҳим.
Сўнди қалбда умид чироғим
Худойимга етмади оҳим.
Ортда қолди ёруғ ўйларим,
Йўлларимда хира туманлар.
Одамлармас мени гўёки
Ўраб олган чаён, илонлар.
Ўзинг асра мени туморим,
Узоқлатгин бир зум фироқни.
Токим аста ортга қайрилиб,
Ёкиб олай ўчган чироқни.

2001

Жараён.

Юрагимда бир олам орзу,
Буюк эди танлаган йўлим.
Тортиб кетди ҳаёт денгизи,
Умрим ўтди шиддатга тўлиб.
Аччиқ - чучук онларни кўрдим,
Ҳаётимнинг чўнг уммонида.
Орзулардан айрилиб қолдим,
Одам бўлиш жараёнида?!

2004

Хаёлим орзулар ортидан
Ҳар лаҳза парвозга шайланар.
Рўёбга чиқмаган орзулар
Қалбимда ўкинчга айланар.
Қанчалар афсунгар бўлмасин
Орзулар айланар армонга.
Худойим ҳақ йўлни кўрсатгин
Нажот бер, савдои бу жонга.

03.02.03й

Йўли очик бўлсин йигитнинг илло,
Умидли дунёда эртаси бўлсин.
Баъзан омад ундан тушса ҳам айро,
Қадди дол бўлмасин, елкаси бўлсин.
Турли тасодифга тўладир дунё,
Баъзан сийлар, баъзан қаттиқ ранжитар,
Йўли очик бўлса йигитнинг, илло
Ҳаёт залворини елкада тутар.

2003.

Шоир кўзларимда ялтирайди ёш

Ҳовли орзу қилдим, бир кўркам ҳовли
Мевали дарахтлар экилган қатор.
Райҳонлар ифори таралиб майин
Шоир юрагимга илҳом бахш этар.
Ҳовуз бўйидаги супа устида
Ағанаб ётаман хаёллар суриб.
Баланд кўтарилган ишком остида
Марварид узумлар турар осилиб.
Аста бош кўтариб машриқ тарафдан
Ҳовлимга ўз нурын сочади куёш.
Рухланиб бу гўзал неъмат – шарафдан
Шоир кўзларимда ялтирайди ёш.
Кўнглим кўтарилиб бу кайфиятдан
Қидириб қоламан қоғоз-қаламни.
Ёқтирамай қоламан худи шу пайтдан,
Тош – бетон деворли совуқ хонамни.

26.09.2004й

Ўн олти ёшдамиз

Ўн олти ёшдамиз дўстларим бугун
Қувонч, шодлигимиз сиғмайди танга.
Хаёллар бир нафас бермайди тиним,
Юракда туйғулар олар аланга.
Ўн олти ёшдамиз дўстларим бугун.
Болаликнинг сўнгги ёшидамиз биз.
Бизни кутаётир зафарлар мушток,
Зафарли йўлларнинг бошидамиз биз.
Қириб бораяпмиз боқий ҳаётнинг,
Қувончу ташвишли кучоқларига.
Қириб бораяпмиз биз ҳиссиётнинг,
Чўғи яшнаб турган ўчоқларига.

1984й.

Боғбон қишлоқ йўлларида
Ўтган менинг болалигим.
Ширин тушдек қайтмас бўлиб
Кетган менинг болалигим.
Тонгдек умрим баҳорида
Отган менинг болалигим.
Қуёш бўлиб хотирамга
Ботган менинг болалигим.

11.03.03й

Хотирамда шундай қолгандир,
Болалигим бахтиёр онлар:
Ўзбекона ҳовлимиз, тандир,
Сават тўла бўрсилдоқ нонлар.
Севинардик ёпганда онам
Бизга атаб иссиқ кулчалар.
Гўзал эди ўшанда олам,
Сахий эди тақдир қанчалар.
Қия эгик беҳи шохида
Учар эдик солиб ҳалинчак.
Кеч қолсалар отам гоҳида,
Йўлларини кутардик илҳақ.
Эшитилди дегунча йўлдан
Тракторнинг шовқини – ғуррос,
«Дадажоним келяптилар» деб,
Югурганча чиқардик пешвоз.
Энди эса менинг йўлимга
Чопиб чиқса уччала болам.
Беихтиёр кўзим ўнгидан
Ўта бошлар ўз ота-онам.

2004

Остонада турар янги йил
Болаларнинг қувончи чексиз.
Таърифлашга ожиз ҳатто тил,
Орзулари бир олам, тенгсиз.
Қор бободан совғалар кутар,
Шеър айтишар янги йил ҳақда.
“Вақт не учун оҳиста ўтар,
Қорбобожон ҳозир қаёқда?”
Болаларга ҳавасим келиб
Ёзарканман янги шеъримни.
Ёд этаман юрак- юракдан,
Ўтиб кетган азиз умримни.

6.12.05

Бувижоним кечалари
Сизни ўйлаб ётолмасман.
Қанча кезмай кўчаларни
Гардингизни тополмасман.
Хаёлимдан кетмас сира,
Сизнинг нузли нигоҳингиз.
Нетай, она, бўлолмадим,
Сўнгги йўлда ҳамроҳингиз.
Сизни йўқлаб ҳовлимизга,
Келар яқин-йироҳингиз.
Уй бурчида милтирайди,
Опам ёққан чироҳингиз.
Жудоликнинг даҳшатини
Англаб етдим ўтиб фурсат.
Бу дунёда ўлим экан,
Тирикларга танҳо ҳикмат.

2002

Онамни эслаб

Бир йилки дардимнинг чегараси йўқ,
Бир йилки қайғудан руҳим паришон.
Бир йилки бошимни пармалар бир ўқ,
Бир йилки қалбимни кемирар армон.
Аламу изтироб исканжасида
Кунларим кечади оғир бир тушдек.
Даҳшатли айрилиқ фожиасидан
Хастаман қаноти қайрилган кушдек.

14.07.03

Онамнинг айтганлари

Бизлар кўрган кунни сизлар кўрманглар,
Қирқинчи йилларда - урушдан кейин,
Оғир кунлар келди элнинг бошига,
Далада ишлардик бизлар кун бўйи.
Атала ичардик кунда бир марта,
Кимлардир шунга ҳам ҳатто зор эди.
Гарчи оч бўлсак ҳам болам, эл-юртда
Оқибат бор эди, меҳр бор эди.

22.09.2004йил

**Асра менинг онамни
Шарифа Аъламзодга**

Кеча сизни тушимда кўрдим,
Ёшли эди икки кўзингиз.
Нетай она, йўл узок бўлса,
Олис бўлса сиздан қизингиз.

Осмон узок, ер қаттиқ бўлса,
Дардларимни айтайин кимга.
Онажоним, жон онажоним,
Йиғлаб кирманг менинг тушимга.

Насиб этса бир куни йўқлаб
Қошингизга борарман яна.
Кўзингиздан ўпиб, қучоқлаб
Меҳрингизга тўярман яна.

Бугун эса мени, онажон,
Дуо қилиб туринг мулойим.
«Асра менинг онамни»- дея
Мен Оллоҳдан тилайман доим.

2003

Манзоб дарёсига

Қирқ йилда бир дарё йўлин топар деган
Эл гапига ишондим мен сени кўриб.
Манзоб дарё эсладингми ўтмишингни,
Нега бунча пишқирасан сирга тўлиб?
Сохилдаги чинорларин қулатдинг сен,
Кўприкларни олиб кетди тўлқинларинг,
Тоғ аҳлини азобларга йўлатдинг сен,
Недан бунча ғазабдадир эпкиларинг?
Манзоб дарё, қудратингнинг чеки йўқдир,
Қалдирға тоғ хайрон сенинг авзойингдан.
Тоғликларнинг билсанг сенга кеки йўқдир,
Жон дарёжон тушгин энди ғазабингдан

27.04.2003й.

Баҳор кириб келди, ям-яшил баҳор,
Табиат уйқудан уйғонди аста.
Кўнглим илҳомлана бошлади такрор,
Баҳорий ҳисларга бўлиб пайваста.

Ҳаётга меҳрим ҳам ошди бир карра,
Кўзимга-да гўзал кўринди олам.
Сирдошдек дунёда менга ҳар зарра,
Шодонман, дилимни ўртамас алам.

Баҳорий кайфият, самимият-ла,
Мовий осмон мени суҳбатга тутар.
Оқ паға булутлар оппоқ ният-ла,
Раҳмат ёмғирини ёғдириб ўтар,

Пойимга бош урар майсалар, гуллар.
Баҳор, ўргилайин қадамларингдан.
Сенинг таърифингга ёзурман шеърлар,
Хотира бўлсин деб шу дамларимдан.

2007й

Ёр-ёр

Ширкент дарё бағридан тошлар оқар, ёр-ёр,
Келинчакнинг кўзидан ёшлар оқар, ёр-ёр.
Ёшлар эмас оққан бу марвариддир, ёр-ёр,
Куёв бола йигитларнинг сарваридир, ёр-ёр.
Шафтолининг шохлари қайрилади, ёр-ёр,
Ота-она ўз қизидан айрилади ёр-ёр.
Айрилади дейиш балки хатодиро, ёр-ёр,
Ота-она ўз қизини сотадиро, ёр-ёр.
Уруғ эксанг ниҳол бўлиб улғаяди, ёр-ёр,
Келин-куёв бугун бахтдан тўлғонади, ёр-ёр.
Келин тушган остона тилло бўлсин, ёр-ёр,
Келин-куёв бир умрга бахтли бўлсин, ёр-ёр.
2005.

Баҳор нафаси

Февраль. Киш ҳам алвидо айтар,
Сезилади баҳор нафаси.
Қағ-қағ этар дарахт шохида
Қарғаларнинг тўп-тўп галаси.
Майин еллар етказиб келар
Димоғимга ялпиз бўйини.
Биргаликда жўр бўлиб чалар
Бутун борлиқ соғинч куйини.

2010й

Келин пошшога насиҳат.

Янги уй, хонадонга хуш келибсиз, келинчак,
Рўзғор деган бўстонга хуш келибсиз, келинчак.
Панду насиҳатимни сиз бугун тинглаб олинг
Сўнгра эса ўзингиз хулоса қилиб олинг.
Куёвтўранинг доим хизматини қилингиз,
Уй тўрида ўтирманг, жойингизни билингиз.
Хар тонг қайнотангизга эгилиб салом беринг.
«Яша келин» десалар, «рахмат» деб жавоб беринг
Қайнона иш буюрса қавоғингиз солмангиз,
Аччиқ- чучук сўзласа кўнглингизга олмангиз.
Қайн сингил- жон сингил, асло буни унутманг,
Атир упангизни сиз улардан дариф тутманг.
Қайн оға – жон оға, иззатини қилингиз,
Сира қўполлик қилманг, қадрингизни билингиз.
Ота – Она уйига чақирмаса бормангиз,
Борган чоғ ҳам у ердан асло қуруқ келмангиз.
Қолганини ўзингиз аста билиб оласиз,
Бугундан ушбу уйда бир умрга қоласиз!

8.10.2011.

МУХАММАСЛАР



Мавлоно Жалолиддин Румий ғазалига мухаммас

Машраб ғазалига мухаммас

Ўлмас Жамол ғазалига мухаммас

Асқар Маҳкам ғазалига мухаммас

Авлиёхон Эшон ғазалига мухаммас

Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим ғазалига мухаммас

**Мавлоно Жалолиддин Румий ғазалига мухаммас
Ширу шакар**

Гуфтам: эй, ту чонона мен ошиғинг бўларман,
Кўйингда неча йилдир куйиб, ёниб юрарман.
Уйинг остонасида зор, интизор турарман,
Дони, ки ман зи олам ёлғиз сани севарман,
Гар дар барам наёй, андар ғамат ўларман.
Чаро санам сахтдилӣ, токай бағрим тиларсан,
Севишимни сен ўзинг ахир яхши биларсан?
Гоҳо шўх назар ташлаб аҳволимдан куларсан,
Ман ёри бовафоям, бар ман ҷафо қиларсан,
Гар ту маро нахоҳӣ, ман худ сани тиларман.
Ман ошиғи васли ту, ту тахти Сулаймонам,
Сенинг учун майли, ёр, нисор мекунам чонам.
Гар раҳми ту наояд, бисўзад хонумонам,
Рўй чу моҳ дорӣ, ман содадил аз онам,
З-он шаккари лабонат ман як бўса тиларман.
Сен кибру ҳаво айлаб осмонларда учарсан,
Нозу карашманг бирла менга кафан бичарсан.
Ўлсам агар тўсатдан «Э воҳ» дея кучарсан,
Ту ҳамчу шери масти, мани қоним ичарсан,
Ман чў сағони кўят дунболи ту кезарман...
Гар хоҳи аз чашмонам ашки хунолуд резад,

Як лаҳза нигоҳ бахшад он чашмони фирӯзат.
Ёки зар, бахмал ёпиб менинг тобутим безат,
Фармой ғамзаатро, то хуни ман бирезад,
В - арна санинг ишқингда мен бир ёзғур ёзарман.
Ошиғи бенавонгман, ақлим кирган онимдан,
Ҳажринг ўтида ёниб мадор кетди жонимдан.
Ошиғлар тумор этса арзир менинг қонимдан,
Ҳар дам ба хашм гўй: кетгил менинг ёнимдан,
Ман рўй саҳт карда(м) наздики ту турарман.
Эҳ, қанча сарсон юрдим дашту биёбонингда,
Бир гадога жой йўқми мулки Сулаймонингда?
Лайлимсан, Ширинимсан сан икки жаҳонимда,
Рўзи нишаста ҳоҳам ёлғиз сенинг ёнингда,
Сен-ла чоғир ичаман, ҳам ман Қайс бўларман.
Келмасин деб бар дарат монди ҳазор қулфҳо,
Кетмагайман бўлса ҳам бошимга дор ин зулфҳо.
Тоқати тоқ бўлдими, дигар намуд рафторро,
Моҳе, чу Шамси Табрес ғайбат намудо гуфто:
Аз ман дигар мапурсед, ман сўйладим, борарман.

03.03.2012йил.

Машраб ғазалига мухаммас

Неча йиллар фироғида куйган сорбонларим келди,
Бобомлардан қолиб кетган қатор карвонларим келди.
Ота-онам етолмаган орзу, армонларим келди.
Намангон шаҳридан, дўстлар, менинг ёронларим келди,
Отам бирла онамни билгувчи меҳмонларим келди.

Боболар ҳасратин айтсам, замин титраб, куйгай офтоб,
Тарқалиб кетмиш алар кўнгли доғ, бағри кабоб.
Айрилиқнинг жабридан чеккан аламу изтироб,
Шижоат бобида ҳар қайсиси Рустаму Сухроб,
Адолат тахтига минган бу кун Султонларим келди.

Бу оламда ҳар бир ишга бўлғусидир сабаб, омил,
Озодликнинг насимидан саодатга бўлдик ноил.
Боболарнинг руҳлари шод, ҳамд айтмоққа тиллар мойил,
Иноятли, диёнатли яна ҳам муршиди комил,
Ҳама ориф, ҳама содиқ, ҳама ирфонларим келди.

Алар дийдорини кўргач, кетгай дилдан сиёх, Машраб,
Тангри ўзи раҳм айлаб боқди бизга киё, Машраб.
Битгай ушбу мухаммасни Ғойиб ҳам бериё, Машраб.
Аларнинг хоки пойи кўзларимга тўтиё, Машраб,
Чароғимни мунаввар қилғучи ҳоқонларим келди.

03.03.2012йил.

Ўлмас Жамол ғазалига мухаммас

Гуллаб яшнар она юртим, мисли жаннат макони ман,
Бар маконам аз нав омад руҳи Оли Сомони ман.
Забони давлатӣ гашта ҳазорсола забони ман,
Менинг даврим ажиб даври чи давроне замони ман,
Башар кай дида монанди баҳори бехазони ман.

Азалдан дўсту қардошлиғ менинг ўтлуғ шиоримдир,
Туркману, рус, қазоқ, хинду барчаси дўсту ёримдир.
Қаён борсам йўлим кушод, инону ихтиёримдир,
Неча эллар қариндошим, неча ўлка диёримдир,
Сурудамро ба ҳар миллат равон созад забони ман.

Ислиқлолнинг насимидан дилим яшнар баҳору ёз,
Мисли Султон Улуғбекдек фалак-ла айтишурман роз,
Озодлик васфини куйлаб ғазаллар битсанг Ғойиб, оз,
Қуёш бошимда парвона, замин пойимда поёндоз,
Дили ҳар одами зинда-мунаввар ошёни ман.

Одам Ато бир-ла Момо Ҳавво дилбандиман асли,
Умматиман Муҳаммаднинг -ошиғи гардиман, асли.
Икки элнинг эркатои, забони қандиман асли,
Агарким миллатим ўзбек, замин фарзандиман асли,
Фидояш мекунам чонам, нисор умри гарони ман.

Ватан бахтин истаб дилдан яшайман кеча -кундузлар,
Шеърятда бир ниҳолман, жон берар менга илдизлар.
Илҳом чоғи атрофимда парвона бўлгай хур қизлар,
Жаҳон томида улғайдим, менга ҳамхона юлдузлар,
Баланд асту маро ҳамчун ниғаҳ дорад макони ман.

Сулҳ устувор бўлса юртда, «бутун бўлса дўст иймони»⁴,
Орзулар рўёбга чикқай, ушалгай дилнинг армони .
Жаннатдан излаб топмассан бу Рукнобод, Муссалони⁵,
Мени Ўлмас деганларнинг, бўлибман жўраи жони,
Забони дўсти тоҷики чу шаккар дар даҳони ман.

01.02.2012

4 Абдулла Орипов ибораси

5 Ҳофиз Шерозий ғазалига ишора

Асқар Маҳкам ғазалига мухаммас

*Чаман ичида бир гул,
Гул бир ён, чаман бир ён*
Тўра Сулаймон.

Дунё ажаб яралган аҳд бир ён, вафо бир ён,
Қисмат ўйинин кўринг раҳм бир ён, жафо бир ён.
Ёр ҳажрида бемормиз, дард бир ён, даво бир ён,
Мулки фано ичида шоҳ бир ён, гадо бир ён,
Зиндони ғам ичинда оҳ бир ён, сазо бир ён.

Биримиз ҳақ йўлида, адашганмиз биримиз,
Ажал қистовидамиз ҳоҳ ёшмиз, ҳоҳ қаримиз.
Яратганнинг қошига боргайдирмиз баримиз,
Ҳарчандким валиймиз ё ҳуру ё паримиз,
Лек насли одамиймиз ҳақ бир ён, хато бир ён.

Жар солурмиз жаҳонга «Мавлоно пиримиздир»,
Қандай муридлигимиз пинҳона сиримиздир.
Оқибат якто: маҳшар йиғилар еримиздир,
Шайтон пиримиздир ҳам тийғу тийримиздир,
Ёхуд ҳар биримиздир, бад бир ён, бало бир ён.

Ҳар янги кун биз учун охиратдан хабар бу,
Беш кунлик дунё надир? Имтиҳони башар бу.
Авжга чиқса шайтонлик қиёматдан асар бу.
Машшотаи азал бу, машшоқи бербасар бу,
Нохун қўлида хундир, савт бир ён, садо бир ён.

Ғойиб кўнгли дунёдан қолиб борар тобора,
Ўтди Асқар Маҳкам ҳам бағри бўлиб садпора.
Бунда ким ўйин ўйнар, ким чалади ногора,
Бул шoми базморо май сун менга нигоро,
Бол тут тилинга жоно, соз бир ён, сато бир ён.

18.03.2012йил

Авлиёхон Эшон ғазалига мухаммас

Май истаймиз ва лекин паймонани кўрмаймиз,
Сўзлашурмиз туну кун, ҳамхонани кўрмаймиз.
Ҳажрида қуяр кўнгил, пинҳонани кўрмаймиз,
Ишқ келди- кўз бойланди, бегонани кўрмаймиз,
Етаклаб юр, девона, майхонани кўрмаймиз.

Ошиғу маъшукликда фироғ бору висол йўқ,
Ҳуснига разм солсам кипригидан узар ўқ,
Гоҳо қошин чимириб зарда билан урар дўқ,
Шам бўлиб иккимиз ҳам тишладик ҳар кеча чўғ,
Қаноти чисирлаган парвонани кўрмаймиз.

Шавқим ортиб бородир ёрга интилган сари,
Ортидан чопиб борсам ёр кетади илгари.
Жонни ўртаб юборди нозлари, ҳийлалари,
Бу дилнинг кўрғонига кирди ишқнинг лашкари,
Тош тегиб қон сачраган пешонани кўрмаймиз.

Ҳолимизга кулмагин эй, зоҳид, фикрингдан қайт,
Панду насиҳат қилма ўзгалардан ўқиб байт.
Ҳолимиз англаюрсан шу ҳолга тушганинг пайт,
Бошлама дарсхонангга, сабоғингни сувга айт,
Ишқдан ўзга мураббий, фарзонани кўрмаймиз.

Ишқ дардин қайдан билсин ғофилу қалби кўрлар,
Кўнгил кулфи очилгач ошкор бўлғуси сирлар.
Гулдан тўшаб поёндоз, бошимдан сочиб дурлар,
Эшикларин ланг очиб, кел, деб чорлади хурлар,
Аммо юракдан ўзга ошёнани кўрмаймиз.

Васлин бир кўрай десам ёр олган юзин ўраб,
Жонни нисор этардим, кўйса гар бир бор қараб.
Мухаммас ёзди Ғойиб пирлардан дуо тилаб,
Эй Эшон, аҳли ошиқ бормадик ҳолинг сўраб,
Кўзинг сувига чўккан остонани кўрмаймиз.

20.03.2012йил.

Сайид Неъматуллоҳ Иброҳим ғазалига мухаммас

Кўкда дил парвоз этар, осмон муборак бўлсин-эй,
Очса арш дарвозасин, кайҳон муборак бўлсин-эй.
Васлини қўмсаб етилган армон муборак бўлсин-эй,
Эй муҳаббатлиғ кўнгил, ҳижрон муборак бўлсин-эй,
Ўт аро бу топганинг имкон муборак бўлсин-эй.

Ошиқлик асрорига ҳар кимса ҳам етмас ишон,
Гар саодат истасанг, билгил саодатдир шу он.
Васлида куймоқ надир, айлагин ҳолинг баён,
Доманингга субҳидамда гул тўкар маҳбуб ниҳон,
Чун димоғинг ичра хуш райҳон муборак бўлсин-эй.

Бешижоат бўлса ким, қолгай аро йўлларда руст,
Неча зотлар бўлди хор, рафторини этмай дуруст.
Довюрак бўл мисли Фарҳод- тоғларни теш, ғовларни буз,
Ким муҳаббатдан жудодир, акли-жузь, иймони суст,
Акли куллар наздида иймон муборак бўлсин-эй.

Субҳи шом қилсанг дуо, пирларингни ёдда тут,
Мақсадинг ёр васли бўлса одатинг бўлсин сукут.
Дилдаги шубҳа, гумон илдизин буткул қурит,
Бок, бу хусрон дайрида виждон унут, иймон унут,
Кўксинг ичра йиғлаган инсон муборак бўлсин-эй!


Бандалик қилгин мудом, тарк этмайин руҳи равон,
Дил эрур Ёр манзили мисли бир жон ичра жон,
Ғойиб ҳам дил розини Саййидига этгай баён:
Худшиноссан коинот асрори ўзликда аён,
Дилда мехвар истаган кайҳон муборак бўлсин-эй.

ТОЖИК ТИЛИ ҲАҚИДА

Дунёда тиллар кўп гўзал ва жозиб
Барчасин ўрганмоч эрур ноимкон.
Гўзал сатрларни битсинлар дея
Шу тилни яратган Ҳолиқи жаҳон.
Ҳатто Пайғамбар(с.а.в.) ҳам айтишларича
Тоҷикча лисонда «ду, ду» деганлар.
Ўзининг улуғвор салтанатини
Шу тилда бошқарган не жаҳонгирлар.
Қанча шоҳ асарлар нақшланмишдир
Шу тилда тарихнинг китобларига.
Ҳофиз ғазаллари илҳом бермишдир
Донишманд Гётенинг шоҳбайтларига.
Озод жаранглайди бугун Ватанда,
Унинг садосидан хушдир ҳар оним.
Ғойиб чин юракдан таманно айтар:
«Оянданг бор бўлсин қутлуғ забоним.»

30.09.2011 йил 16.40.

ТАРЖИМАЛАР



Мавлоно Жалолиддин Румийдан

Кетурсан ёр хуш хиромон, эй, жони жон, мен бирла қол,
Чорласа-да гўзал бўстон умри дўстон, мен бирла қол.
Эй фалак, сен юрма менсиз, айланма менсиз эй қамар,
Эй замин айрилма мендан, эй замон, мен бирла қол.
Бу жаҳон сен бир-ла хушдир, ул жаҳон сен бир-ла хуш,
Бу жаҳонда мен бир-ла бўл, ул жаҳон мен бир-ла қол.
Эй ишонч, кетма йироқлаб, куйлама менсиз забон,
Эй назар, боқма менингсиз, кетма равон, мен бир-ла қол.
Кеча ҳам ўз рўйини кўргай сафед ой нуридан,
Мен қаро тунман, сен-ой, кетма осмон, мен бир-ла қол.
Гул лутфининг паноҳида ўтдан омон қолгай тикан,
Эй гул, мени этма хор, айла эҳсон, мен бир-ла қол.
Човгонингда чопганимда кўзларинг менда мудом,
Шул каби боқкин ҳамиша, бўл омон, мен бир-ла қол.
Бўлганингда шоҳга улфат, ичмагин менсиз шароб,
Борганингда ул саройга, эй посбон, мен бир-ла қол.
Кимки сен кўрсатган йўлда юрмаса ҳолига «вой»,
Сен менинг мўлжал-нишоним, эй бенишон, мен бир-ла қол.
Кимки бу йўлда юрар бўлса илмсиз хор бўлар,
Менга илм берган ўзинг, эй роҳдон, мен бир-ла қол.
Баъзилар ишқингни куйлар, мен эса султони ишқ,
Барчамизнинг ваҳмимиздан сенсан омон, мен бирла қол.

17.03.2012йил.



**ҲИСОРЛИК АЛЛОМАЛАР
ИЖОДИДАН**
Ҳисори шодмоннинг 3000 - йиллигига бағишланади



Мулло Ражаб Ҳисорий (Парий)

Шариф Ҳисорий

Домулло Имомиддин Ҳисорий (Банда)

Мирзо Олимжон Ҳасрат

Мулло Муҳаммадшариф Ҳисорий

Жазбий

Муҳаммадҷусуф Маҷусий

Сўфий Ҳисорий

**Мулло Ражаб Ҳисорий (Парий)
(1804-1854)**

Нечун гулга дил берай, гуландомим бўлмаса,
Мастликдан ханда қилай, маю жомим бўлмаса?
Не учун халқа урай кимса очмас эшикка,
Остонадан кирмасман дилоромим бўлмаса.
Соқиси йўқ кўзага не учун майл қўйгум,
Майхонани нетарман, гар жононим бўлмаса?
Бошимга тупроқ сочиб, қон йиғламоқ не керак,
Хаста жонимга роҳат, дилда ором бўлмаса?
Шавқу завқ орзу айлаб, алданмоққа на ҳожат,
Дилга таскин бергувчи далда- пайғом бўлмаса?
Шом аро суҳбат бирла базми жамшед не керак,
Шаму парвона каби зеби шомим бўлмаса?
Мен нега ханда қилиб, не учун хурсанд бўлай,
Кулфату ғамдан холи лаҳза, оним бўлмаса?
Хаста кўнглим бодасин талх айламай энди нетай,
Эй Парий, шаккар лабидан етгувчи болим бўлмаса?

Шариф Ҳисорий
(19-аср)

Эй дил, ишқда куймасанг, куйлашингдан не фойда?
Ўзингни аҳли дард деб ўйлашингдан не фойда?
Дилинг ичра худодан кўркувдан асар ҳам йўк,
Тун- кун номоз ўқи деб сўйлашингдан не фойда?
Экинга нима наф бор, бевақт ёкқан ёмғирдан,
Ўлим келган чоғи «хай-хай»лашингдан не фойда?
Дунё фиғон, зорликнинг мақомидир, эй рафик,
Ҳашр куни зор йиғлаб «вой»лашингдан не фойда?
Дедим: Тангрим, Шарифни қуликка қабул айла,
Деди: энди қулман деб сайрашингдан не фойда?

**Домулло Имомиддин Ҳисорий (Банда)
(19-20-аср)**

Кетгил зоҳид, икки олам ичра айш-ки бор мендан,
Май мендан, шиша мендан, махфилу васли ёр мендан.
Кўздан оққан ашқларимга тўлиб кетиб биёбонлар,
Дажла дарёсидек оқди, йиғлашга ихтиёр мендан.
Пойингдан бир бўса олмоқ менинг олий орзуимдир,
Йўл мендан, гард мендан, бош оғриғу хумор мендан.
Жафо сендан, ситам сендан, ғам сендан, юз алам сендан,
Дуо мендан, вафо мендан, дил мендан, эътибор мендан.
Сендандир даври давронлар, сендандир кибру ҳаволар,
Ғам мендан, дард мендан, дийдаи интизор мендан.
Ўтди умри Банданинг гоҳ Табрес, гоҳ Нишопурда,
Ироқ мендан, Рум мендан, Язд мендан, Бухор мендан.

Мирзо Олимжон Ҳасрат
(Асри19-20-м)

Ғазаллар

Ёр беҳурматлик ила жудолиғ қилдию кетди,
Умрим ўтди , во дарего, бевафолиғ қилдию кетди.
Ман уни бегона бўлгай деб гумон қилмас эдим,
Ул санам якбора тарки ошнолиғ қилдию кетди.
Ўзгалар базмин қизитмиш, бизни тарки ёд этиб,
Кулбаи ободимизни вайронлиғ қилдию кетди.
Дилни адо айлаб пари, ўзга ёрга дил бериб,
Дилраболиғ йўлида беадолиғ қилдию кетди.
Ҳасрат унинг ҳаққига қилгай дуою офият,
Интизор дил эшигидан гадолиғ қилдию кетди.

Сенсиз гулни гулистонда хор билурмиз,
Зикрингсиз ҳар тасбеҳни зуннор билурмиз.
Кимки сенинг неъматингга сано айтмаса,
Пойидан то бош қадар девор билурмиз.
Зоҳидо, сен сўйлама ишқу вафодан,
Суратингни шунчаки инкор билурмиз.
Заҳрин сочар бўлса агар топмам омонлиғ,
Номардларни биз ҳамиша мор билурмиз.
Кавкаб каби дилда доғи бор Ҳасратийнинг,
Тўққиз фалакни дилдек афгор билурмиз.

Юзларингдан бўйи гули садбарг келодир,
Зеболигингдан рашки қамар келодир.
Ишқинг оловида бошдин то оёқ кўйдим,
Дил мўрисидан дуди жигар келодир.
Жафо тиғин урмай десам ўз жигаримга,
Дил қаъридан нечун садо дигар келодир.
То тонггача кутдим уни зору интизор,
Маъшуқам ўз уйидан жилвагар келодир.
Ҳасрат кимга айтсанг сен аламингни,
Хазар айлаб сендан бекор, келодир.

Дедим: бераҳм, тингла менинг нолаю афғоним,
Ёш ўрнига қон оқар, кўргин чашми гирёним.
Мушку анбарли ўшал икки зулфинг дастидан
Садпора бўлди нетай, менинг кўкси бирёним.
Юсуф хушин йўқотгай, боқса сенинг юзингга,
Офтоб мисоли юзинг, ром айламиш бу жоним.
Кўйингда подшоҳлар ҳам оромини йўқотмиш,
Ҳасратда то қиёмат ашкка тўла мижгоним.

**Мулло Муҳаммадшариф Ҳисорий
(Ғамгин) (19-20-аср)**

Бу кеча ғамга ботиб, куйдим интизорликдан,
Бераҳм гулузор-ла рўй берган жудоликдан.
Аввалига дилдорим сабр айлаб ром айлади,
Охирида сел бўлди ашким шашқаторликдан.
Умидсизлик домида эс-хушимни йўқотдим,
Бошдан то оёқ куйдим ишқида адоликдан.
Ўшал маҳвашни ўйлаб, мудом юрарман Ғамгин,
Ғамгусорим йўқ менинг танҳо шу ғарибликдан

**Жазбий
(19-аср)**

Кел, зиёрат айлагил эй ёр дили зоримиз,
Кел томоша айлагил бу гулу гулзоримиз.
Ҳолимиз билмоқ учун имтиҳон ҳам шарт эмас,
Англагайдир кўрса ким бу рангу рухсоримиз.
Лола хижрон дардидан кўксида доғ асрагай,
Доғ бўлур кимки агар кўрса бу хунборимиз.
Менким ишқ водийдисиди фано бўлдим нетай,
То қиёмат кимса топмас излаб осоримиз.
Беҳабар зоҳид қаердан билгай кўнгил дардини,
Анғласа бўлғуси дилхун ашки гулноримиз.
Эрта тонгда бўзласам нолаю афғон ила,
Ҳақнинг ўзи билмаса, ким билар оҳ-зоримиз
Бунчалар дил дардидан Жазбий, тордим дарду ғам,
Қай табибдан даво топгай дили беморимиз.

**Муҳаммадюсуф Маюсий
(1871-1907)**

МАҲБУБИМСАН, Ё АЛЛОҲ!

Йўкликдан пайдо қилган,
Иймонни ато қилган,
Ишқида гадо қилган,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!
Эдим бир хамиртуруш,
Ато этдинг ақлу хуш,
Дединг «Оби тақво нўш»,
Матлубимсан, ё Аллоҳ!
Аслим эди оби гил,
Бердинг кулоқ, кўз ҳам дил,
Қошингда мен кўп хижил,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!
Айладинг «Қуръон» ато,
Ул Аҳмади Мустафо,
Бўлди бизга раҳнамо
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!
Юбориб Жабройилни
Айирдинг ҳақ, ботилни.
Поклагувчу кўнгилни
Каломимсан, ё Аллоҳ!


Қуръон билан айтиб роз,
Этдинг бизни сарафроз.
Шодлигимиз қил дароз,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!
Эй Раҳиму эй Раҳмон,
Эй Худованди Қуръон,
Эй Раҳнамои инсон
Матлубимсан, ё Аллоҳ!
Арзу кўкни яратган,
Қуёшдан нур таратган,
Бизларни азиз этган,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!
Субҳонимсан эй, Раҳмон,
Қилдинг бизни мусулмон,
Зикринг тилимда ҳар он,
Матлубимсан, ё Аллоҳ!
Субҳонимсан эй Раҳим,
Ўзинг танҳо илоҳим.
Дўзахдан бер паноҳим,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!

30.01.2012 йил

**Сўфий Ҳисорий
(1878-1921)**

Биз ҳама ёрдин ёмон эрдик ва лекин билмадик,
Барчадан шарманда жон эрдик ва лекин билмадик.
Бу не ҳолким не амал бор, не фаросат, не тамиз
Бадтарин аҳли жаҳон эрдик ва лекин билмадик.
Зиқна феълимиз билан хеш таборни ранжитиб
Яхши сўзга безабон эрдик ва лекин билмадик,
Нафсни билмасдан туриб, сўфиликдан лоф уриб
Хулқи ҳайвондан ёмон эрдик ва лекин билмадик.
Гарчи бизнинг айбимиздан ҳеч кимса воқиф эмас,
Панд эшитмас, ғўр инсон эрдик ва лекин билмадик.
Сўфий паришонлик билан сўйлади дил дардини,
Юртда сарсону сомон эрдик ва лекин билмадик.

ТОЖИК ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИДАН



Мирзо Турсунзода.
Носиржон Маъсумий
Лойиқ Шерали
Бозор Собир
Мастон Шерали
Гулрухсор
Гулназар Келди
Меҳмон Бахтий
Саидали Маъмур
Раҳмат Назрий
Камол Насрулло
Зулфия Атойи
Нуқра Суннатниё
Хайрандеш
Султонмурод Одина
Волий
Ҳидоятуллоҳ Раҳмоний
Раънои Мубориз
Сирожиддин Икромий
Абдукаххор Қосим

Мирзо Турсунзода.

(1911-1977)

Шоирим

Шоирим ёнмоқдан топсанг хабар
Куйганлар ҳолидан қилма ҳазар.
Ёнмоқликдан яралгуси оҳан ҳам,
Бир шуъладан таралгуси гулхан ҳам.
Беҳарорат бўлса агар офтоб,
Ер юзида ҳаёт бўларди хароб.
Беҳарорат бўлса тош бўлгусидир,
Дил ҳароратсиз бўлса ўлгусидир.
Беҳарорат ҳеч не бўлмас пайдо,
Очилиб, унмоқ бўлур нораво.
Беҳарорат лабда таббассум бўлмагай,
Маъшаладек юзда ханда урмагай.
Шоирим, ёнмоқ мудом бўлсин ишинг,
Васлга етгай фақат куйса киши.
Ёнмасанг ёзган шеъринг шеър эмас,
Жононга дил боғлаш мушкул-сир эмас.
Шеърдир у тошса агар фавворадай,
Қалб кўрингда ёнган оташпорадай.
Дилдан дилларга кўчиб зор айласа,
Тош дилларни куйдириб кор айласа.
Токи ёр англаб етса куймоқ надир,
Вафо илмидан сабоқ олмоқ надир..
Шоирим топсанг ёнмоқдан хабар
Куйганлар ҳолидан қилма ҳазар.

«Азизим» дан парча

Бизлар мудом дўст ахтариб юргаймиз
Омонлигу сулҳдан суҳбат қургаймиз.
Дўстлик бирла башар топгайдир роҳат
Душманлик келтирар доим ғам-офат.
Ҳароратсиз бўлгай тинчликсиз офтоб
Нотинч ерни тарк этгуси файз шу тоб.
Бахтли ҳаёт, юксак парвоз тинчликдан,
Қадр- киммат ҳамда эъзоз тинчликдан.
Дўстни синаб кўрган бўлсанг сафарда,
Хато бўлмас дил боғласанг агарда.
Азизим, бошга тож айлагин дўстни,
Жигаринг мағзига жойлагин дўстни.

02.02.11.

Носиржон Маъсумий

Мирзо Турсунзодага

Чакқонлигу камолот ёринг бўлсин! Жавон бўлгин!
Арслон янглиғ наъра тортгин, доимо комрон бўлгин.
Борурсан Эл бир-ла орзу, умидларнинг чўққисига,
Бу йўлдан толмагин зинҳор, сен шоири замон бўлгин.
Эзгу мақсад йўлида лоларухлар бир сафдалар асли
Уларчун бошдан оёқ гул сочувчи осмон бўлгин.
Эй, сўз заргари, доим бардаму саломат бўл!
Халқу Ватан бахти учун ҳамиша соғ-омон бўлгин!

Ғазал

Мен чехрангга ошиқман, эй, моҳи оламор,
Кўйингда афтодаман, меҳринг юрагимга жо.
Токай ташлаб кетурсан, холим хароб этурсан,
Вафо торин кесурсан ишванг тиғи-ла жоно.
Дил сириг айла баён, мендан тутмагин пинҳон,
Чашми сиёҳи жоду, қош, киприклари мижгон.
Сўзласа лаъли лабинг қувват олар бу жоним,
Шу ёшлик айёмингда бир бўса бергил жоним,
Токи гулларга тўлсин шодликдан бош оёғим!

Байтлар

Азизим, мен томон бир бор нигоҳ қил,
Дилинг дардларидан мени огоҳ қил.

Ажиб ғунчадаҳондирсан азизам,
Нечоғлик хушзабондирсан азизам.

Лабларингдан бир бўса бер эй сулув,
Ичган билан камаймас дарё суви.

Садаф ичра гавҳардек меҳринг дилда тутган макон,
Бу ҳам бўлса сенга қаттиқ боғланганимдан бир нишон.

Илк бор онам сути билан сенинг меҳринг туйган эдим,
Гулзорга ўрганган гулбондек меҳрингга муштоқман, Ватан!

Офтоб оламини ёритган чоғидек,
Билим одам учун ирфон чироғидир!

Дўстлар хонадонингиз доимо обод бўлсин,
Хонадон аҳлингиз ҳам некному шод бўлсин.

Лойиқ Шерали
(1941-2000)

Сен бўлмасанг хаёлимда
Ғазал айтмагай дарёлар.
Тириклик ҳам бўлур кўркисиз.
Шоирсиз қолгай дунёлар.
Сен бўлмасанг хаёлимда
Муҳаббат ҳам қолар ёлғиз.
Мағрур чашминг оловидан
Сўниб хор бўлгай у, афсус.
Сен бўлмасанг хаёлимда
Шеърларим ҳам бўлур барбод.
Менинг озурда бу жоним
Ҳаётдан айлагайдир дод.

03.10.10й.

Зарафшонлик дилдорга

Кўзларингнинг қаърида
Куйдургувчи олов бор.
Суғдлардан мерос қадим
Олов каби бетакрор.
Куйдирдинг мени зоз-зор,
Эй зарафшонлик дилдор.
Кўзларинг оловидан
Чехранг бўлди оташгун.
Ҳижронингда ўртаниб
Жигар бағрим бўлди хун.
Дардим билурмисан ёр,
Эй зарафшонлик дилдор.
Ишқинг довулларида
Сарсон бўлиб юргайман.
Бир кун хоки пойингга
Бошим қўйиб ўлгайман.
Эй, зарафшонлик дилдор,
Эй, зарафшонлик дилдор.

03.10.10й.

Бозор Собир

Хотира

Лабимда лабларингдан бўса-бўса хотира қолди,
Тилимда тилларингдан қисса-қисса хотира қолди.
Кўзларинга боқиб кўздан ёшлар тўқдим минг косалаб,
Ушбу ҳолатдан кўзимда коса-коса хотира қолди.
Йўлингда термулиб кечган зор,интизор онларимдан
Хотирам майсазоридан майса-майса хотира қолди .
Ҳижронингда ёниб куйиб адо бўлган юрагимда,
Аламлардан асар бўлиб ғусса-ғусса хотира қолди.
Сени кўмсаб неча йиллар сарсон юриб ишқ даштида
Ҳориб толдим вале дилда ҳисса-ҳисса хотира қолди.
Хулоса ул мўрча миён ҳамда ўтлуғ оғушингдан
Тамоми борлигимда хоса-хоса хотира қолди.

Мастон Шерали

«Ватан» шеъридан парча

Тожикистон, қайга бормай қўлимдаги кўзгу ўзинг,
Қайга бормай сенинг аксинг кўз ўнгимдан нари жилмас.
Ой биттадир, вале, сенинг моҳинг зебо эрур менга,
Қуёш битта, вале, сенинг офтобингга тенг келолмас.

Эй, Ватаним, бир нафас ҳам ёдинг мени тарк айламас,
Сенинг ёдинг унутганлар меҳринг билмас ўлик тандир.
Ғарибликда ёдинг билан яшаганлар беватанмас,
Қучоғингда юриб, қадринг билмаганлар, беватандир.

Гулрухсор

Билганингдек ўзинг мени, ўшалдирман, ўшалдирман,
Ошиғи бекарор ўша, гўзалдирман, гўзалдирман.
Ҳамон хумордир кўзларим, ҳамон анордир юзларим,
Бамисоли Самандар куш, гоҳ учкун, гоҳ оловдирман.
На шамшири фисқу фасод, на да занжири бу қисмат,
Ғов бўлолмас йўлларимга, менинг йўлим сен, муҳаббат!
Эй муҳаббат, эй муҳаббат, азоблайсан мени фақат,
Дил уйимда қайғуларим китоб янглиғ бўлди қат-қат.
Эй муҳаббат, эй муҳаббат, бу оламда йўқдир мендек
Бирор ошиқ, бирор гадо!
Эй муҳаббат, эй муҳаббат, бу оламда йўқдир сендек
Бирор паноҳ, бирор Худо!

Кўча хандон, уй зиндонлик нечун ёр?
Болаларга бўлсангизчи меҳрибон.
Жоҳиллару номардлар дунёсида
Аёлингиз-гулингиз истар посбон.
Ажал мудом тирикликдан қарздордир,
Тирикликда етишинг мангуликка.
Олов янглиғ дилингизни ёндилинг,
Ташнадиллар эришсин ёруғликка.
Ҳақ ҳукмини бизларга ўргатингиз.
Тоқим гуноҳ йўлга кетмайлик кириб.
Муҳаббатнинг кўзи бир-ла боқингиз,
Мен зерикдим ишқу ҳавассиз юриб.
Кўзингизла боқиб жумла жаҳонга
Мусаффолик, зеболикни тилайин.
Ўлчаб сизнинг амал мезонингиз-ла
Олам яхши ёмонлигин билайин.

Гулназар Келди

То муҳаббат Вахшонзамин аёлидек сарсон экан,
Шеърим менинг исён эрур.
Токим унинг бешигида мағрур ажал хандон экан,
Шеърим менинг гирён эрур.
Рўдакийнинг кўзи каби гулзордаги ғунчалар ҳам,
Бу туннинг зулмати янглиғ,
Токим афғон шамоллари офатгари бўстон экан,
Шеърим менинг тўфон эрур.
Ўртамизда сарҳад бордир, юрт сарҳади обод,вале,
Бағрида юз фарёд бор экан!
То ҳамсоя соясининг жойи бизнинг майдон экан,
Шеърим менинг нолон эрур.
Токим гўдак кафтларидан қалам шавқи тушар экан,
Дилда ташвиш яшар экан,
Токим сухан биноти ҳам омонату ларзон экан,
Шеърим менинг вайрон эрур.
Токим дили хаста Аму янглиғ гоҳо мен паришон,
Гоҳо бўлиб мен пушаймон,
Дил қаъримда фиғонларим пинҳон экан,
Шеърим менинг зиндон эрур.
Тожикистон-она юртим, менга тоза иймон экан,
Жоним ичра бир жон экан,
Токим Хўжанд, Хатлон ҳамда Риштон аро сарсон экан,
Шеърим менинг урён эрур...

Тил ҳақида

Дарий тили тожигимнинг нишонидир.
Икки жаҳон аро унинг жаҳонидир.
Санжар ила Чингизхондан кам бўлмаган
Тожиқларнинг ҳам паноҳи ҳам шонидир!

Меҳмон Бахтий

Эй ҳофизлар, куйлангиз тожиклар рӯзгоридан,
Даврон эътиборию тожик эътиборидан.
Меҳнатимиз ганжини, ҳимматимиз файзини
Кўриб лол қолсин олам ишимиз бароридан.
Бу комронлиғ давронлар, бу шод, хуррам замонлар,
Бир рамзи саодатдир тожиклар баҳоридан.
Ҳофиз сўзининг сеҳри, Восеъ ғайрати, меҳри
Пок ва мусаффо эрур тожик чашмасоридан.
Оламнинг боқий кўшки, одамнинг вафо, ишқи
Бўлсин доимо баланд тожиклар кўҳсоридан.
Қулоғингга чалинса фаҳру ифтихор куйи,
Билгинки дўст, бу оҳанг тожик ифтихоридан.

Мавжигул

Сенинг битта кулгингга
Дилу жоним боғладим.
Ишқу паймонинг истаб
Юрак- бағрим доғладим.
Мавжигул, Мавжигул!
Чашмаи илҳомимсан.
Мавжигул, Мавжигул!
Исми дилоромимсан.
Келгин мени суйдиргин,
Келгин мени куйдиргин.
Севгимиз афсонасин
Бор дунёга билдиргин.
Мавжигул, Мавжигул!
Чашмаи илҳомимсан.
Мавжигул, Мавжигул!
Исми дилоромимсан.

Саидали Маъмур

Шодлик туғилган он Гулрухсорга

Сен дунёга қоронғу бир тунда келдинг,
Лабда ханда бирла қутлуғ кунда келдинг.
Яхч осмонин ёритганда юлдузчалар,
Заминига юлдуз сочиб, бунда келдинг.
Сен дунёга келдинг эзгу матлаб билан,
Ўзгача бир устод, ўзга мактаб билан.
Қотиллигу қонхўрликни истаб эмас,
Келдинг «кетсин зулмат» деган тилак билан.
Келдинг бирдан ёришди тун кундуз бўлиб,
Қишлоқ аҳли қарши олди фирўз бўлиб.
Гарчи келган онинг фасли қиш бўлса ҳам,
Сен келдинг Гул, бизлар учун Наврўз бўлиб.
Хуш келибсан, хуш келибсан эй меҳрибон,
Эй, шоири озодаи даври замон.
Сен туғилган он «Зодрўзи дард» эмас, йўқ,
Шодлик они бўлиб қолгайдир жовидон.

Раҳмат Назрий
Ватан ишқи

Эй, жон ичра жоним, жоним фидойингдир,
Эй, ишқ, Ватанжоним, жоним фидойингдир.
Эй, жону жаҳоним, ёндиргин бу қоним,
Эй, меҳри осмоним, жоним фидойингдир.
Қондаги тўфоним, эй мавжли туғёним,
Эй, зебо маконим, жоним фидойингдир!
Эй, қалбим оташи, ёндир obu гилим,
Куйдиргин забоним, жоним фидойингдир.
Бориму йўғимсан, эй ишқим, Ватаним,
Ёндир хонумоним, жоним фидойингдир.
Майлига хок айла, сўнг майли пок айла,
Бегўру кафаним, жоним фидойингдир.

Бўринисо Бердиева⁶ марсияси

Мозорига гул экиб, эй азизлар йиғлангиз,
Фалак сари кўз тикиб, эй азизлар йиғлангиз.
Ўтли нигоҳларидан ой нурлари тўлишса,
Кўзгусига шам ёқиб, эй азизлар йиғлангиз.
Одамларнинг ғамидан озурда дил эди у,
Садпора дилга боқиб, эй азизлар йиғлангиз.
Тош ёғса ҳам осмондан, эгилмас эди боши,
Тасбеҳу дуо ўқиб, эй азизлар йиғлангиз.
Тўдалар орсиди озод сўзларди, энди
Жимликка кетди ўтиб, эй азизлар йиғлангиз.
Бир замонлар маърифат боғин обод этди деб,
Дардлашиб, кўз ёш тўкиб, эй азизлар йиғлангиз.

⁶«Маориф ва маданият» журналининг собиқ муҳаррири, шодравон.

Камол Насрулло

Муборакбод

Абдулҳамид Самадга бағишланади

Қутлуғ эллик ёш –панжоҳинг⁷ муборак!
Шуқуҳли, файзли даргоҳинг муборак!
Кўнгиллар Каъбасин мулкига етдинг,
Иймон йўли бўлган роҳинг⁸ муборак!
Дилларга ёруғлик инар дилингдан
Дилинг ишқдан огоҳинг муборак!
Меҳру саҳоватга тўлуғдир қалбинг
Қуёш янгилиғ нурли моҳинг муборак!
Яхши деб ном олдинг эл орасида
Чунин ҳамрозу ҳамроҳинг муборак!
Фазлу адаб мулкин забт айладинг сен,
Дилинг бирла дўст, пагоҳинг⁹ муборак!
Файзли юртим она Тожикистоним,
Сенга фарзанди дилхоҳинг муборак!

7 Панжоҳинг-эллик ёшинг

8 Роҳ- йўл.

9 Пагоҳ-эрта

Миллат ғазали

Қаттиқ бошинг садоси борму ё йўқ?
Бу заминнинг худоси борму ё йўқ?
Дунёда не ки мавжуд бор поёни,
Ғамингнинг интиҳоси борму ё йўқ?
Ҳамма Беку Амиру Шоҳу Султон
Бу юртнинг гадоси борму ё йўқ?
Бенаволиғ жон-жонимиздан ўтди,
Дуторингнинг навоси борму ё йўқ?
Отилди сен томон дунё тошлари,
Бирор тошинг садоси борму ё йўқ?
Улуғларнинг даъвосин қилган элнинг
Вале бирор пешвоси борму ё йўқ?
Барча дарднинг давоси бор, ва лекин
Маҳалбозлик давоси борму ё йўқ?
Ҳар ким ўзин «тождор» атар, бир бош йўқ,
Ғурурнинг муттакоси борму ё йўқ?
Қайга кетди юртим файзу эҳсонинг,
Пирларингнинг дуоси борму ё йўқ?

Зулфия Атойи
«Девони Зулф» дан
Ишқ ҳадяси

Пичирлама қулоғимга жудоликдек хатоликни,
Билолмассан, билолмассан Атойидек адоликни.
Сен ишқимнинг худоси бўл, сен ишқимнинг атоси бўл,
Истамас дил сира энди саркашлик-бехудоликни.
Кўлларингни чўз белимга, дилинг боғлагин дилимга,
Изламагин зулфим аро ўзга ёрга гадоликни.
Ғафлат босиб юрдик сарсон, гул умримиз топди хазон,
Дилинг бирла англа дилдор, овозин бесадоликни.
Юрақлар тош, еру осмон муз қотган бу даврон ичра,
Фикринг музин эрит, ташла барча кибру ҳаволикни.
Юрагимдан қувват олиб, нур бағишла вужудимга,
Кўрай десанг шу дунёда рўшнооликни, рўшноликни.
Аввалим охириим ўзинг, ҳам субҳим ҳам шомим ўзинг,
Ўзимни бахш этиб сенга топдим ҳаққа ошноликни.

Дастёр

Товоқларни ювгандим
Бир товоқ кетди учиб.
Гулларга сув қуйгандим
Гулдон ҳам синди тушиб.
Мошонга хашак бердим,
Товуқларга бердим дон.
Анча ёрдамим тегди,
Не иш қолди онажон?

Лайло ўзим

Дил бенаво бўлди бу кун мизроб қани, мизроб қани,
Тун бесафо бўлди бу кун, моҳтоб қани, моҳтоб қани?
Лайлодан-да лайло ўзим, ўшал гули сахро ўзим,
Йўлида зор икки кўзим, ул Мажнуни офтоб қани?
Ишқ дарсидан мен беҳабар, бевафога дил боғлабон,
Бўлди менинг бағрим кабоб, Сурхоб қани, Хингоб қани?
Дил дардидан тобим қочиб, кўзларимдан хобим қочиб,
Бедор кечган шаблар аро тобим қани, хобим қани?
Дил китобим кўлимдадир, кони ғазал кўнглимдадир,
Топмам ғазалхон ахтариб, аҳбоб қани, аҳбоб қани?
Ишқ тори бунёд айлаган, бу тош қафасни синдириб,
Ўзни дарёга отгали гулдараи Варзоб қани?
Девонаю хушёрларим, гоҳ зор, гоҳо безорларим,
Сиримдан боҳабарларим ул гавҳари камёб қани?
Дилда гарчи ҳирс оз эди, бир ҳасратим парвоз эди,
Айт, бесадо дил торита мирзоб қани, мирзоб қани?

Шоир меърожи

Лоиқ асло кимсалар мақтовига муҳтож эмас,
Ҳеч қайси шоир журъати лоиқи меърож эмас.
Шеърят оламида Лоиқ соҳибтож эди,
То бу дам ҳам шеърятда ҳеч ким соҳибтож эмас.

Ҳофиздан гина

Айтгин Ҳофиз, айтгин нега ҳады қилдинг
СамарқандуБухорони битта ҳолга?
Ёки дунё келажагин билганмидинг,
Бизлар учун шеъринг ўхшаб турар фолга.
Шояд шўхлик қилгандирсан ёзган чоғинг,
Шоҳбайтингни ошиқликдан жўшиб қонинг?
Ошкор айла Ҳофиз бизга муаммони,
Ё фаришта «омин» деган айтган онинг?
Афсус бугун авлодларинг бир холимга
Самарқандни бермас шундан бағрим яро.
Афсус сенинг ҳимматингга турк фарзанди
Бухорони гардини ҳам кўрмас раво.

Авф айла иштибоҳимиз

Эй Ватан, эй Тожикистон, авф айлагин гуноҳимиз.
Эгри йўлга боққан бўлсак, авф айлагин нигоҳимиз.
Бағринг бўлди тилка-пора тире тўплар тўфонидан
Қуролимиз кечир бизнинг, авф айлагин сипоҳимиз.
Гар тожу тахт бўлган бўлса жангу жадалларга сабаб,
Тахтимизни маъзур тутгин, авф айла каж кулоҳимиз.
Жанглар қилиб, жанглар кўриб, оқибатда ярашдик биз,
Тинчлигимиз ҳурматдан авф айла иштибоҳимиз.

Нуқра Суннатниё

Ёр дединг

Ёр дединг, ёр қани?
Барчадин бедор қани?
Нозил бўлган «Мен»- менда,
Кўрсатгил такрор қани?
Зоримиз эшитмаса
Иккимизнинг зор қани?
Асли барчага аён
Пардали ул ёр қани?
Кўп кездим хазон ичра
Булбули гулзор қани?
Ғунча каби очилган
Рози дили хор қани?
Девор ортида унган
Лоладек гулёр қани?
Вужудим ичра пинҳон
Ойнаи ёр қани?
Чехрам гулдек гўзалдир,
Ошиғи рухсор қани?
Ёр дейсан, ёр қани?
Зорим ўзинг, зор қани?

Эй офтоб

Айладим хўб имтиҳон, шоирдирсан,
Манзилинг чексиз осмон, шоирдирсан.
Рўдакиймас шеърият сардафтари,
Ёлғиз ўзинг ҳар ду жаҳон шоирдирсан.
Мажнун эмас, якка, ёлғиз офтоб ўзинг,
Моҳтобига ошиғи жон, шоирдирсан.
Номанг эрур ул дурахшон шуълалар,
Ҳам ғунчаю гулу дoston, шоирдирсан.
Шоирлик ҳам ҳар кимсанинг иши эмас,
Азал кундан то мағзи жон, шоирдирсан.
Ойнинг хаста кўнглин ёқиб, куйдирган,
Ёлқини-ла беомон шоирдирсан.
Кимки сен янглиғ ёниб, куймас экан,
Ҳеч ким унга айтмас бир он: шоирдирсан

Сен турган ва мен турган гўша

Сен турган гўшада жумла ёрондир,
Бахтинг-да очилган гулдек хандондир.
Мен турган гўшада эса ёлғизлик,
Боғимда топганим йиғи, фиғондир.

Сен турган гўшада гулоб ичарлар,
Шаънингни улуғлаб шароб ичарлар.
Мен турган гўшада хоким хароблик,
Дилим хунобини чун об, ичарлар.

Сен турган гўшада тинчлик, ҳаловат,
Рухинг дилинг бирла айлар мулоқот.
Мен турган гўшада ақлиму дилим
Муроса этолмай ўртагай фақат.

Сен турган гўшада базм, дилбарим,
Рухинг алвон, солсам разм, дилбарим.
Мен турган гўшада юзларим сарик,
Ҳасрат ёшларимдан ҳўлдир дафтарим.

Нозланиш

Истайманки йўлларида мен хору зоринг бўлсам,
Жафо чеккан онларингда ҳамроҳинг, ёринг бўлсам.
Бошимга юз калтак урсанг, жабрингда бемор бўлсам,
Тарк айласанг келишингни пойлаб интизор бўлсам.

Истайманки лўли қиздек сенга парвона бўлсам,
Сенчи унинг ҳамсаридек бўлсанг менга бепарво.
Эрга тонгдан гадоликка йўл олсаму ва лекин,
Оқшом чоғи остонингга қайтиб келсам оввора.

Она, онажоним

1

Эй, она, онажоним менинг дили зоримсан,
Бу жаҳон ичра топган ягона ғамхоримсан.
Доим авлиёлардан мен мадад истар эдим
Англадим, ки сен ўзинг танҳо мададгоримсан.

2

Эй меҳрибон онажоним, бўлгин доим саломат,
Йироқ бўлсин дилингдан алам, ранжу надомат.
Йўлингга кўз тутишлик жонимга нур бағишлар,
Келиб уйим тўрида бўлгин чароғи давлат.

3

Эй менинг насиҳатчим, меҳрибон онажоним,
Сен ягона йўлбошчим азалдан то шу оним.
ҳар тонг худо боғидан дуоларинг туфайли,
Бошимга гул ёғилар, сен -тахти Сулаймоним.

4

Онасини ёд этар, жамики халқи жаҳон,
Онасини ёд этар, ҳар пайғамбару Султон.
«Онасизлик -балодир» деган калима ҳақдир,
Мен балодин йироқман, онажоним, бўл омон.

Гуллаган ишқ

Ишқимнинг навбахори мисли чаман гуллагай.
Дилимда настарину ҳам ёсуман гуллагай.
Шафақдек ял- ял ёнар ишқ ўти нигоҳимда.
Ишқимнинг лолари бағрида қон гуллагай.
Димоғимдир муаттар тоғ гуллари атридан,
Меҳр тўла дилимда ишқи Ватан гуллагай.
Гулсевар шоираман дил боғимдан гул терсам
Бас дегунча дилимда боғи сухан гуллагай.

Хайрандеш

Мир Сайид Али Ҳамадонийга тақлид

Кимки бизни қилса танқид, иқтидори зўр бўлсин,
Кимки бизни қилса таҳқир, ҳақаротдан дур бўлсин.
Кимки бизнинг йўлимизда чоҳ қазса душманлик билан,
Ҳар қадамда кўзларига ганжу дур манзур бўлсин.
Хайрандешни икки олам шу тилак тарк этмагай:
Бадҳоҳларнинг бахт қуёши доимо пурнур бўлсин.

Оҳ дунё!

Бир бошимга бунча савдо, бунча савдо,
Бир дилим-ки мавжи анинг мисли дарё.
Гарчи ҳар донони мен этдим писанд,
Бир ўзим-ла ёлғиздирман, ёлғиз, танҳо.
Кимки бу дунё юзини гар сиёҳ этмоқ бўлур,
Юзларини мурдашўй кўрсин улар этмай қаро.
Дўстларим сиз ҳар қадамда Хайрандешдан ҳол сўранг,
Оҳ дунё, оҳ дунё, оҳ дунё, оҳ дунё!

Шашмақом

Дахоним қанди сув ўлди Шашмақомнинг наботидан,
Мангуликни топдим, вале, унинг оби ҳаётидан.
«Шашмақом»да эътимоду эътирофу эътибор,
Топди нажот миллатим «Шашмақом»нажотидан.
Соҳибхирад миллатим табъу зеҳн фазосида
Бир умр парвоз айлағай «Шашмақом» қанотида.
То уни фаҳм этсин эллар, сайру гашт этмоқ керак,
Гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро, гоҳ бобом Ҳиротида.
Хайрандеш андиша қил сен унинг ҳар савтида,
Мушқулинг ҳал бўлғай осон анинг мушқулотида.

Султонмурод Одина

Гарчи бизлар бир замину бир қутби даврондирмиз,
Дўстлар ушбу жаҳонда тўрт кунлик меҳмондирмиз.
Мағрурлигу дабдаба, кибру ҳавомиз билан
Меҳмонлигимиз қадрин билмаган инсондирмиз.
Тириклик талошида юз фитна барпо айлаб,
Ёлғону найранглардан биз яна ҳайрондирмиз.
Тирикларга ўлмоқлик азал кундан меросдир,
Лек ўзни талошларда ўлдиргувчи жондирмиз.
Ўзни олам меҳвари атаб ғурурланурмиз,
Аммо заррача гарди хоки ул кайҳондирмиз.
Жонон, қадримиз билиб азиз тутайлик ўзни,
Гар бенаво гадомиз ё шоҳу Султондирмиз.

Тушларимда кўрдим сани, жонон, келгин бедор оним,
То мактанай, бу дунёда бордир дея менинг ёрим.
Кўргин, гул булбул рашкида қадах янглиғ очилмишдир,
Ё Худоё, кошки сен ҳам бўлсанг гулдек вафодорим.
Остонанг хокидан бошим, дилбар, сира кўтармасман,
Гарчи мени ҳайдасанг ҳам, гарчи берсанг ҳам озорим.
Не кулфатлар кўрди бошим, эй ёр сенинг ишқингни деб,
Тушмасин кимса бошига, ё Раб, менинг бу аҳволим.
Сенинг ишқинг йўлида чеккан ранжу зорим ҳаққи,
Ғам жаҳонин Султонига айлагин лутф, эй, дилдорим.

Волий

Ёрони меҳрибонга, биздан салом бўлсин,
Ул хуршеди осмонга, биздан салом бўлсин.
Бир зарра хок бўлсайдик, кошки пок бўлсайдик,
Поки икки жаҳонга, биздан салом бўлсин.
Йўлин йўқотганлармиз, гуноҳга ботганлармиз,
Мадад бергувчи жонга, биздан салом бўлсин.
Бизлар аҳли кибрмиз, дард қошида ожизмиз,
Кечиргувчи Раҳмонга, биздан салом бўлсин.
Гул каби очилмасдан, келди хазон фаслимиз,
Ул кўли гул боғбонга, биздан салом бўлсин.
Ҳўл-қуруғимиз кетди, не қилган бўлсак ўтди,
Ўшал пири роздонга, биздан салом бўлсин.
Волий, биз дўст ёдида қаноти синган қушмиз,
Бизни яратган жонга, биздан салом бўлсин.

Ҳидоятуллоҳ Раҳмоний

Кел эй, жони дил, бўлгин жононим,
Кел эй, бўйи гул, бўлгин пинҳоним.
Кел эй илҳом бергувчи шеъримизга,
Келиб бўлгин байти шакарафшоним.
Хил-хил пишган меваларинг сингари
Келиб яшнат менинг боғу бўстоним.
Барча таъна айлар беқарорсан деб,
Келиб бўлгин менинг аҳди паймоним.
Ҳар гал сени кўрсам кўнглим ёришгай,
Тунда ойдек келиб бўл моҳистоним.
Раҳмонийнинг жони фидодир сенга
Кел эй, жоним, обод айла жаҳоним.

Ўзимдан хато топдим

Эй Дўст, фармон айлагил, ўзимдан хато топдим,
Тириклик сўқмоғида мен мушкулкушо топдим.
Вафо не унутгандим ғафлатда юриб ғофил,
Сухбатингни топдим ҳам ишқу вафо топдим.
Тўғри йўл деб ўйлабон кириб нафснинг йўлига,
Ҳамроҳим бўлгач ўзинг мен ҳам раҳнамо топдим.
Хонамдан ҳам тор эди фикру андешам менинг,
Андеша оламингдан мен ақлу расо топдим.
Шўр тўла ёш оқарди кўзларим булоғидан,
Кўзларинг булоғидан мен нури шифо топдим.
Умр ҳар нафас бизни ўз ўтида қовурди,
Сен-ла бўлиб ҳамнафас, ўзимга баҳо топдим.
Волийо, Раҳмонийга айтгил дўстдан бир хабар,
Зеро, айтганларингдан мен роҳи Худо топдим.

Бедорман, эй дўст

Тунлар ёдинг ила бедорман, эй дўст,
Ёдингсиз дунёда мен хорман, эй дўст.
Жон жонимга сингиб кетгансан ўзинг,
Ҳар лаҳза сен бирла мен борман, эй дўст.
Хаёлимда кечар неча андешам,
Ишқингда ҳамеша иқрорман, эй дўст.
Қўлинг ўпиб, тавоф айлайман десам
Вале ожиз ҳамда ночорман, эй дўст.
Ўзингдан ўзгага хор этма ҳаргиз,
Ишқингда туну кун мен зорман, эй дўст.
Гарчи жаннат бизга ошно эмасдир,
Зикрингда ҳамиша такрорман, эй дўст.
Раҳмонийдек панд эшитгач Волийдан,
Танҳо сенинг ўзингга ёрман, эй дўст.

Раънои Мубориз

Худо ҳофиз

Кетар бўлдим бундан эй жон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз,
Гўзал юзлар қолсин омон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз.
Бу бедардлар тузган даврон, бу меҳри йўк ғўр оломон,
Яшайверсин бўлиб сарсон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз,
Неки хуш дамларим бўлди, туғилди бари ғамлардан,
Барчасига етди поён, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз.
Оғирдир менга тарк этмоқ, одамлардан йироқ кетмоқ,
Ёлғизлик бу эрур ҳижрон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз,
Бир қушчадек қилсам парвоз, гарчи дилда умидим оз,
Бағринг очгил менга осмон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз,
Сени кўзим қароғида ва ё қалбимнинг доғида,
Олиб кетгум азиз инсон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз,
Ошиқликда умр кўрсам ва ё дарвеш бўлиб юрсам,
Мени ўртайди бир армон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз,
Ҳақ хоҳласа келиб Наврўз, балки яна учрашармиз,
Не тонг, келса ўшал даврон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз.

Эй пир, муридингизман

(Мавлоно Жалолиддин Румийнинг хотирасига)

Сизга бўлсин ассалом, яна салом-ун-алайк,
Сизга бўлсин эҳтиром, яна салом-ун-алайк.
Сизда барча қилу қол, сизда барча завқу ҳол,
Мудом бўлинг бардавом, яна салом-ун-алайк.
Ваҳшимсизу Балхимсиз, Балхимсизу Румийсиз,
Румийи баландмақом, яна салом-ун-алайк.
«Маснавию Маънавий» дастури амалимдир,
Эй пири назму низом, яна салом-ун-алайк.
Ишқда жаҳонгирсиз, ҳам пири ботадбирсиз,
Эй ошиғи Хуршедфом, яна салом-ун-алайк.
Сирлар кашшофидирсиз, сиз ёрсиз, ёрсиз,
Икки жаҳонда тамом, яна салом-ун-алайк.
Каломингиздан мастман, номингиздан сармастман,
Сизга барча ному ном, яна салом-ун-алайк.
Исмингиз такрор қилсам бол томади тилимдан,
Эй чироғи хосу ом, яна салом-ун-алайк,
Эй пир, муридингизман, бир жаид қизингизман,
Етгайму сизга паём, яна салом-ун-алайк.
Гарчи Мубориздирман, ишқа муҳофиздирман,
Эрурман Раънои хом, яна салом-ун-алайк.
Сиз ошиғи Зулжалол, сизда барча завқу ҳол,
Мавлавию хушкалом, яна салом-ун-алайк.

Мен келадирман

Ҳарфни тайёр қилинг, мен келадирман,
Шавқни бедор қилинг, мен келадирман.
Хоҳ маст бўлсин, хоҳ паст бўлсин майлига бефарқ,
Жумлани ҳушёр қилинг, мен келадирман.
Таблак чалиб жар солинг жумла жаҳонга,
Уйингиз бозор қилинг, мен келадирман.
Бас етадир, қошу қабоқ қилиб юриш, бас,
Чехрани гулнор қилинг, мен келадирман.
Сурайёдан тушиб келмоқдаман мен,
Тарки ул хуштор қилинг, мен келадирман.
Бас, баландлик, кўним топай дейман заминда,
Ерни ҳамвор қилинг, мен келадирман.
Андаккина меҳр мени қондира олмас,
Меҳрингиз бисёр қилинг, мен келадирман.
Қошингизга келдим баланд тоғлардан ошиб,
Қабулни такрор қилинг, мен келадирман!

Сирожиддин Икромий

Кел, янги йил


Кел, янги йил, бизлар учун сафо бўлгин,
Ғамдан қаро кўнгилларга зиё бўлгин.
Тарафбозлик дол айлади қоматимиз,
Келиб мажруҳ танзимизга шифо бўлгин.
«Қаерликсан?» деган савол дилни эзар,
Келиб дўстлик, иноқликдан садо бўлгин.
Меҳру шафқат, оқибатдан ном- нишон йўқ,
Муҳаббат бўл, садоқат бўл, вафо бўлгин.
Неча гумроҳ юз ўгирди ўз динидан,
Кел, янги йил, дуруди Мустафо бўлгин.
Улуғларга на хурмат бор, на эътибор,
Бефарқликдек хатога интиҳо бўлгин.
Ғурбатларда ризқ ахтариб бўлдик сарсон,
Барчамизга файзу эҳсон, сахо бўлгин.
Миллатимнинг кўпдир дилда дард, алами
Кел, янги йил, дардимизга даво бўлгин.

Абдуқаҳҳор Қосим

Миллат келажаги-ёшларга

Сизлар келажагисиз миллатнинг,
Ҳам пойдеворисиз давлатнинг.
Ўқингу ўрганинг доно бўлинг,
Кўзингизни очингу бино бўлинг.
Барча ишнинг яхшиси илм эрур,
Ёшликда олинган билим эрур.
Одоб ила сиз топурсиз эътибор,
Билим бир-ла бўлажаксиз бунёдкор.
Худо берди бизга бахтли давронни,
Бирдамликни ҳамда тахти Сомонни.
Шукрин қилинг она Тожикистоннинг,
Бихишт мисол яшнаган гулистоннинг.

МЕН СЕВГАН САТРАП



Баҳовиддин Нақшбандий:

Ошиқлар миллати динлардан жудо,
Мазҳабу миллати биргина Худо!

Ёмонларнинг ишидир гина тутмоқ,
Муслмонлик- ёмонликни унутмоқ.

Сулаймон Боқирғоний:

Ҳар ким кўрсанг Хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг кадр бил!

Барча яхши, биз ёмон,
Барча бугдой, биз сомон.

Алишер Навоий:

Оллоҳ, оллоҳ, ўлдирур шармандалик,
Ёдимга тушса бу янглиғ бандалик...

Адоватга боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки Сипоҳ.
Рафиқ икки дарвеш беиштибоҳ -
Эрур яхшироқким, адув икки шоҳ.

Ҳофиз Хоразмий:

Менга ишқинг йўлида қон кўринур,
Юзинг ойнасида жон кўринур.

Азим Ҳожа эшон:

Ихлосимни қилсун десанг пирим қабул,
Қулларига ит бўлгину итига қул.

Машраб:

Шодмонлик излама, охир бошингга ғам келур,
Одамийнинг бошига андишаи мотам келур.

Мақсуд Шайхзода:

Шеърият диёрин шоирларимиз,
Ҳар уй, ҳар кўнгилга байтлар бўлсин ёр!
Элга дастёр бўлса шеърларимиз
Демакки, умримиз ўтмабди бекор!

Миртемир:

«Бетоблигимда» шеъридан
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

Рауф Парфи:

Фирдавсий бир замон айтгани каби
Ҳар не ўткинчидир, фанонинг ўзи.
Фақат икки нарса қолур абадий-
Ботирнинг шавкати, дононинг сўзи.

«Ватан» шеъридан:

Умр деганлари ўтмоқда шошқин,
Тилла баргларини элаб йўлимга.
Сенинг мангулигинг беради таскин,
Эрта узилгувчи менин умримга.

«Туркистон ёди»

Кеча содиқ ўғлинг ўтди дунёдан,
Сахий инсон эди, у шоир эди.
Санчилиб яшайди бир умр ёдда,
Кетаётиб, мен йиғлаб бўлдим, деди.
Йиғла энди, кўзим, сен ҳам йиғлаб ол,
Тўйсин кўз ёшингга бу туркий ситам.
Тўйсин, Ватан ёди чидар бемалол,
О, сабр дарахти кутлуғ Туркистон.
Накадар узундир, оғирдир бу йўл.

Абдулла Орипов:

Йиллар армони

Кимгадир яхши суз айтдик, биродар,
Кимдир бир умрга ранжиб ҳам кетди.
Кун кеча ёш дердик ўзни бир қадар,
Бугунчи, балоғат пайти ҳам етди.
Инсон уз умрини ўйласа кўп вақт
Қийнайди ўзидан ўтган қусурлар,
Кимгадир айтилмай қолган бир раҳмат,
Кимдандир сўралмай қолган узрлар.
Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ.
О, йиллар армони, йиллар армони,
Армон кўрмадим мен сиздан буюкрок.
Инсонга тобемас замон, инчунин,
Инсон юрагида аламлар қат-қат.
Фақат бир таскин бор, барчаси учун
Афсус чека билсанг- шу ҳам бир давлат.

Усмон Азим:
“Бахшиёна”дан

1

Отим қолур демагин
Бу дунёда, шоирим.
Номард тўфонлар турса,
Отингдан гард қолмагай.
Зотим қолур демагин
Бу дунёда, шоирим.
Қисмат тескари бурса
Зотингда мард қолмагай.
Бу дунёнинг дардини
Териб кетган шоирим.
Жонингга ачинмагин-
Кетмайдими чириблар!
Бу дунёга бир қўшиқ,
Бериб кетгин шоирим.
Марҳумлар уйғонсинлар,
Ухлолмасин тириклар.

2

Ўлар бўлсанг, пул деб ўлма –
Номард бўлиб кетарсан.
Ўлар бўлсанг, ишқ деб ўлгин
Жўмард бўлиб кетарсан,
Ўлар бўлсанг, мансаб дема –
Тубан тушиб ўларсан,
Ўлар бўлсанг дил деб ўлгин,
Баланд учиб ўларсан.

Шавкат Раҳмон:

«Туркийлар» шеърідан парча

Мўминлар беш бора Аллоҳни эслар,
Саждага бош қўйиб жаллод тошига.
Ўгирилиб сал ортга қарайин деса,
Бошига урарлар, фақат бошига.
Борми эр йигитлар, борми эр қизлар,
Борми гул бағрингда жўмард нолалар,
Борми бу туфроқда ўзлигин излаб,
Осмону фалакка боққан болалар;
Бор бўлса аларга етқариб қўйинг,
Бир бошга бир ўлим демаган эрмас,
Шаҳидлар ўлмайди бир қараб тўйинг:
Ёвга терс қараган мусулмон эмас,
Ёвга терс қараган мусулмон эмас,
Ёвга терс қараган мусулмон эмас,
Ёвга терс қараган мусулмон эмас,
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!

«Ғамгин шеър» дан

Эй, гулим, кўзларга ёшлар тўлганда,
Соғамиз қўшилган дамларни эсланг!

«Эски шеър»дан парча

Ватаним дейману, бағрим қон бўлар,
Бу қандай ватанки, хоки бирикмас,
Буюк Турон кенгликларида
Уруғлар бир-бирин еди тириклай.

Бу қандай ватанки, шоҳизиндалар
Бир ғариб элининг орини сотса,
Шоирлар салтанат зиналарида
Мансабу мартаба талашиб ётса.

«Бўсаға» шеъридан

Паноҳ сўрадимми боримни ечиб,
Ўзни урдимми ё бирон эшикка?
Қалтис лаҳзаларда оримдан кечиб,
Кирдимми сичқонлар кирган тешикка?
Болам, жоним болам,
Бу гўзал хурлик,
Унутма, бу хурлик,
Унутма, бу хурлик тўралган кунни!

Мухаммад Юсуф:

«Андижон» шеъридан

Бобурга илинсанг менга қовун сўй.
Чўлпонни соғинсанг мени қучоқла.

«Иқрор» шеъридан

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.

Ҳажрида қуяр кўнгиш

Сирожиддин Саййид:

Ватан каби поёни йўқдир,
Ватан каби мангу Навоий.

Ватан, бўстонларинг озода бўлгай
Ўғил ҳам қизларинг жонзода бўлгай
Султондай қад ростлар ҳар бир дарахтинг,
Очилган ҳар гулинг хонзода бўлгай.

Асқар Маҳкам:

Ватан! Сен бир ҳовуч намчил тупроқсан
Мен ундан яралдим...
Унга қайтаман...

Нима қилдим мен бундан кетиб...
Нобуд қилдим топганимни ҳам.
Бу шавкатлар, шонлардан кечиб
Мол боққани кетайлик, болам...
Умр ўтди...энди чор-ночор
Ортга қайтгим келар пиёда...
Вафосизнинг мингта ёри бор
Вафодорлар хор бу дунёда...

«Умр кечди...»

Барча улуғ мансабга минди
Бандаликни унутгач буткул...

Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим:

Моҳиятдан беҳабар гумроҳлар
Оқибат ўт ичра чеккай оҳлар.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Қозоқ классикларидан бири адабиётни «Асл сўз» деб атаган эди. Асл сўз – адабиёт инсоният учун абадий бўлган саволларга жавоб топишда кўмаклашиши ва комил инсонни тарбиялашда воситачи бўлиши керак. Ҳақни англаган, умрнинг асл моҳиятини тушуниб етган инсонгина комил инсондир. Шу маънода шоир- сўз санъаткори шахснинг комилликка эришиш йўлидаги руҳий кечинмаларини, қувончу изтиробларини ростгўйлик билан бадий бўёқларда тасвишлаб бера олса ўзига юкланган вазифани адо этган ҳисобланади.

28 март 2010й.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари «Шуаро» сураси тафсирида шундай деб ёзадилар: «Шеър фақат фисқу фужур, қандайдир казо-казоларнинг васфи, қандайдир маъшуканинг мадҳи, оҳ-воҳ ва дийдиёлар эмас, балки шеър эзгулик, иймон, Ислом хизматчиси бўлиши зарур. Шеър орқали ҳикматли, иймоний, исломий ва инсоний тушунчаларни кишиларга етказиш ўзига хос устунликка эгадир». Шеърят билан қизиқувчи ёшларимиз ўзларига ушбу ҳикматли сўзларни шиор қилиб олсалар ўйлайманки кўп яхшиликларга эришадилар.

03.03.2012йил.

Қисмат ёзиғи ёхуд бахт тушунчаси ҳақида

Одам фарзанди икки олам-руҳоний ва жисмоний олам ичра яшар экан, бу дунёга синов учун юборилганини, асл ватанига қайтиш учун нафс ва шайтон балосидан эмин бўлиши кераклигини теран англайди. Ва бу йўлда ўзининг ожизлигини ҳис этади ва Тангри мададига муҳтожлик сезади, унинг розилигини топсагина жаннатга қайта олишини, йўқса, хорликка маҳкумлигини тушуниб этади. Бу қисмат одам болаларига- илк аҳдлашувга биноан, фақат Ўзига қуллик қилишни бўйнига олган, аммо, иблиснинг ёлғонига ишониб нафс балосига мубтало бўлган Одам Атодан мерос қисматдир.

Ўшанда Одам айтди: «Илоҳим, ҳукм қилдинг, қазо юритдинг, мени кечиргил, ўзинг ёрлақай!»). Фармон келди: «Сени кечирдим, сендан келадиган фарзандларинг ҳам шундай айбларига, гуноҳларига иқроор бўлиб астойдил кечирим сўрасалар, уларни ҳам кечираман, ёрлақайман, энди жаннатдан чиққил!». Яратган Зот Одамга ўз ҳукмларини билдирди ва шу ҳукмларга итоат қилса уни яна асл ватани-жаннатга киритажагини ваъда қилди. Шунда одамнинг қалбида умид уйғонди. Одам ҳукмларни қабул айлади ва итоат қилди. Ўз фарзандларини ҳам Ҳақ йўлга даъват қилди. Бундан сўнг ҳам Парвардигор бандаларини тўғри йўлга даъват қилиш учун пайғамбарлар юборди. Тангрининг Биру Борлигига иймон келтириб, пайғамбарларга эргашганлар нажотга етишдилар, исён қилганлар жазога лойиқ бўлди. Ва ниҳоят ғоя ва мақсадларнинг олийси бўлмиш суюкли ва сўнги пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)

Ҳасанбой Ғойиб

пайғамбарликка хотима ясадилар. У кишига Аллоҳнинг мўъжизаси, инсониятни саодатга элтгувчи «Қуръони карим» нозил бўлди. Бандаларнинг энг бахтиёрлари Саодат асрида жаноби пайғамбаримизга эргашиган зотлардир. Сўнгра эса ул зоти шарифга чиройли равишда эргашиб, у зот даъват қилган амалларни қилиб, қайтарган ишлардан қайтганлар бахтли кишилардир. Мусулмон одам бахт деб икки дунё саодатига эришмоқликни тушунади. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда: «Эй, Раббим бизга бу дунёда ҳам, охирада ҳам яхшиликларингни ато қилгин ва бизга жаҳаннам азобидан паноҳ бергин» деган дуо кўп ишлатилади.

28.11.2011 йил.

«Одам учун қиёмат виждонини йўқотган кундан бошланади»

07.03.2012 йил

Болаликдан шеъриятга шайдо бўлдим...

Болалигим Боғбон қишлоғида кечган. Падари бузрукворим Холмирзо Ғойиб ўғли (Аллоҳ раҳмат айласин) суяги меҳнатда қотган, ҳалол инсон эдилар. «Ҳақиқат» давлат хўжалигида тракторчи бўлиб ишлар эдилар. Дадам кўпинча дала ишлари билан, волидаи муҳтарамам Инобат Даврон қизи эса бизнинг тарбиямиз билан ҳамда рўзғор ишлари билан банд эдилар. Ҳовлимизда жамбилу райҳонлар, турфа гуллар чирой очиб турар эди. Барча Фарғоналиклар сингари декончилик билан шуғулланар эдик. Биз ғам нима, ташвиш нима билмай катта бўлдик. Болалик уйда ғийбат

Ҳажрида қуяр кўнгил

бўлмайди деганларидек, хонадонимизда самийлик, рост сўзлилиқ устувор эди. Биз учун энг муҳим мақсад ва вазифа яхши ўқиш эди. Онамининг талаблари ҳам шу эди.

Ғам нелигин билмас эдим,
Онам тирик бўлганида.
Асло бемор бўлмас эдим,
Онам тирик бўлганида.
Кутганимиз меҳмон эди,
Ҳовли тўла райҳон эди
Ҳар ишда бош, сорбон эди
Онам тирик бўлганида.
Опаларим иноқ эди
Укаларим қувноқ эди,
Йўлларимга муштоқ эди,
Онам тирик бўлганида.
Шоир эдим, оқин эдим,
Олов эдим, чақин эдим,
Мен жаннатга яқин эдим,
Онам тирик бўлганида.

Гўзал ва хушманзара қишлоқ, Дурбентсой ортидаги яйловлар ва адирлар, адирларга тутшиб кетган пурвиқор тоғлар мени оҳанграбодек ўзига ром айлади. Эҳтимол мендаги шеърятга бўлган қизиқишга бу ернинг гўзал табиати сабаб бўлгандир. Чунки иккинчи синфлигимизда Нурали муаллимимиз «Ким бўласизлар?» деб берган саволларига синфдошларим ҳар қайсиси турли касбларни айтишган, мен эса «шоир бўламан» деганман. Ўшанда шоирлик касб эмаслигини

мен албатта англамаганман. Лекин болалигимдан китобга қизиқишим кучли бўлган. Уйимизнинг ёнида кутубхона бор эди. У ердан турли мавзудаги китобларни олиб ўқир эдим. Опаларим мактабда яхши ўқишган. Мен ҳам улар таъсирида яхши ўқир эдим. 13 ёшларимда илк шеъримни ёзганман.

. 1984 йилда «Ўн олти ёш» номли илк шеърим «Ленин йўли» газетасида босилиб чиқди. Бу кун ҳаётимдаги энг қувончли кун эди. 1985-йили эса ушбу газетада «Баҳор» номли шеърим эълон қилинган эди.

Оилада тўққиз фарзанд, олти қиз, уч ўғилмиз. Беш опам, синглим ва икки укам бор. Бугун ҳаммалари уйлик-жойлик. Фақат уйларимиз тўрида ўтиришга ярашадиган, тўйларимизда бош бўлиб, яхши ёмон кунларимизда қарашадиган отамиз ва онамиз йўқлар.

Кароматли пирларидан тилаб олган
Фотимаю Зухроларга ўхшасин деб.
Мавлуд оийи ҳурматига исмин қўйган,
Гуландому Гулчехралар қизларингиз!
Ҳасан десак ёлғиз дея «бой»ни қўшган,
Анвар атаб орзу қилган ёруғликни.
Тангри Икромидан қувнаб, бахтдан жўшган,
Отажоним, онажоним ўзларингиз!

Ҳовлимизда беш-олти бош қора мол, ўн беш-ийигирмата қўйимиз бўлгич эди. ҳар йили ижарага ер олиб экин экар эдик. Оиламизда шеърятга, санъатга қизиқиш катта эди. Ота-онамиз бизга барча шароитни яратиб берган эдилар. Ўқишимиз учун ҳам, қизиққан касб-хунарни эгаллашимиз учун ҳам.

Хотирамда шундай қолгандир,
Болалигим бахтиёр онлар:
Ўзбекона ҳовлимиз, тандир,
Сават тўла бўрсилдоқ нонлар.
Севинардик ёпганда онам
Бизга атаб иссиқ кулчалар.
Гўзал эди ўшанда олам,
Сахий эди тақдир қанчалар.
Эшитилди дегунча йўлдан
Тракторнинг шовқини – ғуррос,
Дадажоним келяптилар» деб,
Югурганча чиқардик пешвоз.

Ота-онамиз бизни оқ ювиб, оқ тараб ўстирдилар.
Ўзлари етимликда ўсганлари учун бизларга жуда
меҳрибон эдилар ва ҳамиша Яратганга шукрона қилар
эдилар. Пайғамбаримизнинг «Шукрона қилсангиз
неъматлар зиёда бўлур» деган ҳадислари бор. Шунинг
учун бўлса керак оиламизда ҳеч қачон тақчиллик
кўрмаганмиз. Фақат бир армон ўртайди мени, ота-
онамиз бизнинг ҳузуримизни кўраолмай кетдилар.
Умрлари меҳнатда ўтди. Ота- Онамизнинг буюк давлат
эканлигини афсус кеч англадик

Умид билан оқ ювади, оқ тарайди.
Фарзандим деб эркалайди, куйинади.
Ота-она қандай буюк давлатлиги
Фақат улар ўтгандан сўнг билинади.
Бир бурда нон ё ширинлик топса агар,
Ўзи емай фарзандига илинади.
Ота-она қандай буюк давлатлиги

Фақат улар ўтгандан сўнг билинади.
Рўзғор деймиз, юмуш деймиз, югураимиз,
Бизлар учун булар муҳим туюлади.
Ота-она қандай буюк давлатлиги
Фақат улар ўтгандан сўнг билинади.
Бир боргина эшитсам деб овозини,
Соғинчлардан юрак бағрим тилинади.
Ота-она қандай буюк давлатлиги
Фақат улар ўтгандан сўнг билинади.

Бугун ўзим ота бўлиб рўзғор ташвиши, фарзандлар тарбияси нечоғлик мушкул ва маъсулиятли иш эканлигини англаб етяпман.

Энди эса менинг йўлимга
Чопиб чиқса тўртала болам.
Беихтиёр кўзим ўнгидан
Ўта бошлар ўз ота-онам.

Дадамиз 1997йилнинг 28- мартида, онамиз эса 2002 йилнинг 20-июнида вафот этганлар. Меҳрибон Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин.

Юпанч йўқдир дил туғёнига,
Жудоликдан эгилган бошим.
Мўминхўжа қабристонидан,
Ётар менинг ою қуёшим.
Ҳаётимнинг юлдузи сўнган,
Осмонларим булутли, хира.
Юрагимни тилгани тилган,
Зулфиқордек кесар хотира.
Тополмайман энди сўроқлаб,
Кўзларимдан сизилар ёшим.
Қизғалдоқдек бағримни доғлаб,

Ҳажрида қуяр кўнгил

Ботиб кетди ою қуёшим.

Ушбу шеъримни шодравон падари бузрукворимнинг хотирасига бағишлаб ёзганман:

Соғинч

Тушларимга кирмай қолсангиз
Соғинаман сизни, дадажон.
Бажардимми бурчимни дея,
Изтиробда ўртанади жон.
Баъзан тунлар уйқум келмайди
Ташқарида юраман дайдиб.
Юрагимда қуёш кулмайди,
Киргим келмас хонамга қайтиб.
Субҳидамда қабрингиз сари
Йўл оламан қийнар армонлар.
Хотирамдан кечади бир-бир
Биргаликда ўтказган онлар.
Ҳар гал сизнинг пойингизда жим
Ҳаққингизга қилганда дуо,
Ғамдан адо бўлган қалбимга
Қуёш соча бошлайди зиё.

Онам раҳматлик умрининг охиригача менинг энг яқин меҳрибоним ва қўриқчим эдилар. Муштипар онам намозини қанда қилмас эдилар . Онам менинг учун тирик тарихнинг ўзи эдилар. Аллоҳ уларни ўз раҳматига олсин. Мен нимаики яхшилиққа эришган бўлсам, онамнинг хайрли дуолари туфайли деб ўйлайман. У киши доим «Болам, Худодан кўрққан, бандадан уялганлардан бўлгин», дер эдилар. ҳозир шу битикларни ёзаётган чоғимда ҳам онамнинг шу сўзлари қулоғим остида жанглангангадек туюлмоқда.

Онамни соғиниб

Қабрингизда очилибди райҳон, она,
Юрак бағрим изтиробдан вайрон, она.
Сизсиз умрим боғи сариқ, хазон она,
Кўз ёшимдан тўлди сою сайҳон она.
Боғбонқирга яна баҳор қайтиб келди,
Қалдирғочлар қўшиғига олам тўлди.
Йўлингизда кўзим гирён – гирён бўлди,
Наҳот энди сизни кўрмоқ армон, она.
Бир сиз билан қаро тупроқ тўярмиди?
Мен йиғласам бирор инсон куярмиди?
Мени сиздек бирор инсон суярмиди?
Пойингизга бўлай ўзим қурбон, она.
Энди менинг бошларимни силайди ким?
Саҳарларда оқ фотиҳа тилайди ким?
Бир кун ўлсам «ўғлим» дея йиғлайди ким?
Сиз эдингиз бошимизга посбон, она.
Айтган билан битмас дардим, қондир дилим,
Ҳасратларга тўлган менинг обу гилим.
Соғинчлардан бағрим бўлди тилим-тилим,
Кўз ёшимдан тўлди сою сайҳон, она.

Худодан ягона тилагим ота-онамнинг охиратларини обод қилсин. Бизни тарбия қиламиз деб ибодатларини тарк қилган бўлсалар, ўз карами билан авф айлаб, бу дунёда кўрмаган яхшиликларини у дунёда кўришликларини насиб айласин. Бир нарсани ишонч билан айта оламанки улар бизни ҳалол меҳнатлари эвазига боқиб катта қилдилар. Ростгўй ва ҳалол инсон

Ҳажрида қуяр кўнгил

бўлишимизни тилар эдилар.

Фақат бир хис менинг дилимга юпанч беради, у ҳам бўлса фарзандларим, жиянларим сиймосида ота-онамнинг ва ўтган аждодларимизнинг сиймосини кўраман. Демак наслимиз давом этяпти. Бизнинг вази-фамиз эса уларга муносиб тарбия беришдир.

Бир укамга қарасам ёдимга тушар отам,
Бир укамга қарасам тоғам келар ёдимга.
Онажоним сиймоси пайдо бўлар дам ба дам,
Жиянларим югуриб келар экан олдимга.
Қизимнинг юзларида опамнинг чиройи бор,
Ўғлимнинг келбатида бордир отам суврати.
Кўзларида юлдузи, юзларида оyi бор,
Фарзандларим хулқида бордир бобом сийрати.
Инсон яшар абадий авлодлар сиймосида,
Ёди ўчмас дунёда токим унинг насли бор.
Дуо қилинг, азизлар фарзандларнинг ҳаққига,
Барҳаётдир одамзод гар наслининг асли бор.

Ота-онамиз ўтгач ҳовлимиздаги чирой ҳам файз барака ҳам ҳам улар билан бирга кетгандек.

Лекин қачон борсам, ҳовлидаги ҳар бир нарса менга уларнинг сиймосини эслатади.

Қишлоғимга кириб бораркан,
Ҳовлимизга яқинлашган дам,
Мени кутиб ўлтирган каби
Туюлади меҳрибон дадам.
«Ўғлим, яхши келдингми?» -дея,
Тикилгандек кўзимга оғир.
Йўл бошлайди ҳовлига қараб,

Оҳ, соғинчдан юрагим оғрир.
Ўтар экан остона ошиб,
Бир нур чулғар сеҳрли, жозиб,
Ана, тахта сўри устида
Бувим кутар дастурхон ёзиб.
“Болажоним, келасан дея,
Ёпиб қўйдим сенга иссиқ нон.
Кўзларингдан бувинг ўргилсин,
Кел, бағримга босай, болажон!»
Оҳ, кадрдон она масканим
Ширин хотиралар кўрғони.
Ҳар гал сенинг бағрингга келсам,
Ота-онам келар кўргани.
Ҳовлидаги райҳонзор бўйлаб
Онам ташлар оҳиста кадам.
Уфқларга тикилиб ўйчан,
Хаёл суриб ўлтирар дадам.

Болалигимда мен учун илҳом ўчоғи бўлган
Боғбонқишлоқ ҳам баъзан менга хувиллаб қолгандек
туюлади.

Боғбон қишлоқ хувиллаб қолди,
Ўтиб кетди қанча азизлар.
Юрагимнинг қабатларида
Қолдиришиб муқаддас излар.
Болаликни эсларкан ҳар гал,
Қалбим ўксиб кетар аламдан.
Муслим момо, Саодат хола,
Бувим, дадам ўтди оламдан.
Қариси бор бўлган қишлоқнинг
Париси бор дейдилар ҳалқда.

Ҳажрида қуяр кўнгил

Шеърлар ёзгим келар қишлоқда
Масжид қурган боболар ҳақда.
Бир болага етти маҳалла
Ота-она деган гап ҳам бор.
Хаёлимдан ўтиб туради
Қўшнилари сиймоси такрор.
Боғбон қишлоқ мунис бағрингга
Келиб яна яйраб овундим.
Қайда бўлмай, қай ерга бормай,
Сени қўмсаб сени соғиндим.
Қалби дарё одамларингдан
Меҳр кўриб ғазаллар битдим.
Фақат сенинг бағрингдагина
Мен ўзимни енгил ҳис этдим.
Ҳали хануз қўмсайди юрак,
Илк мактабга борган дамларни.
Илк муаллим - Ражабов домла,
Ва Нурали муаллимларни.
Боғбон қишлоқ ота-онамдан
Менга қолган ёдигорликдирсан.
Бу дунёга келиб топганим
Бойликларим ичра бир дурсан.

Лекин бу ерда менинг энг ширин хотираларим қолган.
Ҳозир жиянларим менинг шеърларимни ёддан ўқиб бе-
ришади. Ҳатто баъзилари шеър машқ қилишар экан. Де-
мак Боғбонқишлоқ ҳали ҳам ўз сеҳрини ва жозибасини
йўқотмаган. Демак ҳали бу ерда «диёнат мавжуд» экан.

Бу ерларда ёшлигим ўтди,
Илк севгимнинг азобин чекиб.
Бу ерлардан гўзаллар кетди,

Юрагимга наштарлар тикиб.
Бу ерларда содиқ сирдошим-
Кўхна чинор ўй сураб ҳануз.
Тушларига кирар эҳтимол,
Мени ташлаб кетган ўшал қиз.
Узун тунлар тинглаганман жим,
Дурбент сойнинг ғулувларини.
Мен севгандек севолмас ҳеч ким,
Боғбон қишлоқ сулувларини.

2001-йилда «Висол», 2002-йилда «Руҳим ранглари»,
2004-йилда «Уйғониш фасли», 2007-йилда «Кўнглим гул-
лари», 2012-йилда «Юракнинг маҳзун тунлари» номли
шеърӣ китобларим чоп этилган. Рус ва тожик шоирлари
ижодидан таржималар қилганман.

Шеър менинг учун ҳаёт ҳақиқатини тушунишда,
ўзлимни англаш йўлида бир улуғ мактаб вазифасини
ўтади. Шеърнинг ҳаётимдаги ўрни, шеър ёзишдан
мақсадимни ушбу шеърларда ифодалашга ҳаракат
қилганман:

Болалиқдан шеърнингга шайдо бўлдим,
Кўнглимга қул, ширин сўзга гадо бўлдим.
Адо бўлсам муҳаббат деб адо бўлдим,
Бойлик истаб қўлга қалам тутганим йўқ.
Инсон сабаб ҳар яхшию ёмонларга,
Лекин айбни тўнкаб қўяр замонларга.
Ким юзини бурмаса эл томонларга,
Мен уларни мардга қиёс этганим йўқ.
Фахрлансам арзир юртим, элим билан,
Шу юрт меҳри лим-лим тўлган дилим билан.
Эл дардини қуйлаб ўтсам шеърим билан,

Бахтлидирман, ўзга бахтни кутганим йўқ.

Қисмат ёзиғи

Шоир бўлиш ёшлигимдан орзум бўлди,
Ёзганларим ўз дардларим, арзим бўлди.
Назар солсам эл ҳам менга дарддош экан,
Эл дардини куйлаш олий қарзим бўлди.
Улуғ бахтни насиб этди менга ҳаёт,
Икки элнинг муҳаббати бўлди қанот.
Гоҳ ўзбекча, гоҳ тожикча тилда баёт,
Куйлаб яшаш менинг ҳаёт тарзим бўлди.
Меҳмон бўлдим Хўжанд, Хатлон, Бешкентларда,
Мухлис пайдо қилдим шаҳар ҳам кентларда,
Шеърим кўшиқ бўлди ҳатто Тошкентларда,
Дўстлик ипин бағлаш менинг фарзим бўлди.
Юрагимда туйғуларим сувдек зилол,
Кутлуғ бўлсин икки элга ҳур истиклол!
Бири куёш бўлса бири менга ҳилол,
Икки элнинг мадҳин куйлаш қарзим бўлди.

28.04.2012йил

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

(Эссе)

Инсон борки кечаги кунини соғиниб яшайди. Вақт аталмиш шиддатли дарё оқимида кетар экан, у ўзининг умри қандай ўтаётганлигини ўйлашга баъзан фурсат тополмайди. Рузғор, бола-чақа ташвишида елиб югуради. Тирикчилик туфайли энг яқин кадрдонларидан хабар ололмайди. Кимлар биландир яхши-ёмон бўлади, сену-менга боради, ўз саломатлигини авайламайди. Кейин эса кечаги кунини эслаб, ўзини бахтсиз ҳис қилиб яшайди. Ҳақиқатдан ҳам инсон учун унинг соғлиги ва инсонлар

орасида кадр топиши энг катта бахт. Бу дунёда чин дўст топиш мушкул, дўстликни сақлаб қолиш, унинг бардавонлигини таъминлаш янада мушкулроқ. Бир қарашда биз доимо инсонлар қуршовида яшаймиз: қўни-қўшни, ҳамкасблар, қарин-дош-уруғ... Лекин баъзида юрагингни ёришга, дардингни айтишга бир ҳамдард инсон тополмайсан. Юрак сиригини ҳар қандай одамга айтгинг келмайди. Чунки сиригини билгач, устингдан кулганларга гувоҳ бўлгансан. Шоирнинг ушбу сатрларини ўқиб, унинг ҳақлигига амин бўласан:

Кўрдик инсон феълин ўру-қирини,
Баҳам кўришарлар аввал сирини,
Сўнигра нимта қилар бири-бирини,
Боқиб бу савдога хайрон ўтдик биз.

(А. Орипов)

Бир пайтлар шеърда фақат бахтиёр туйғуларни куйлаш керак деб ҳисоблардим. Лекин борган сари дафтаримда баъзан аччиқ, инсонлар феъли-атворидан норозилик оҳангида ёзилган сатрлар беихтиёр пайдо булмоқда.

Баъзан сенинг олдингда ўзини дўст қилиб кўрсатиб, ўз манфаатини битиргунча «Сиз мардсиз, сиз ҳақиқий дўстсиз» деганларнинг ортингдан ғийбат қилганини эшитгач, чунки иккинчи бир «дўст» чақимчилик қилиб етказди, «Э бор-э, деб қул силтагинг, инсоннинг тубанликда ҳам хайвондан «устунлигига» тан бергинг келади.

Одам насли ҳар хил яралган,
Кимдир кучли, ким эса нимжон.
Тангри турли шамойил бериб,
Бандаларни айлар имтҳон.

Ҳажрида қуяр кўнгил

Баъзан кимдир дустингман дея
Шерик бўлар ичган ошингга.
Яна сенинг ғийбатинг қилиб,
Орттиради ғавғо бошингга.
Бундайлардан асло ўксима,
Кечиргину олма интиқом.
Билмаса ҳам яхшилик тила,
Ахир, улуғ инсон деган ном!

Кечиримли бўлиш ҳам буюк фазилат. Бу бизга яратгандан
қиёматлик қарздир.

Комил инсон бўл, деди Аллоҳ,
Яратганда Одам Атони.
Айб қилса ҳам бўлиб хайрихоҳ,
Кечирди у қилган хатони.
Хамду сано ўзига лойиқ
ҳар бир иши мақтовга арзир.
Кечиримли, оқкўнгил бўлмоқ,
Бандаларга қиёмат қарздир.

Агар барча инсонлар кечиримли бўлиб, билмай хиёнат
қилмаганларида, инсон деб аталмиш зот янада азизу му-
қаррам бўлиб, узоқ умр кўрарди.

Яшасалар эди одамлар
Етиб бир-бирининг қадрига.
Камайрди юракда ғамлар,
Қўшиларди умр умрига.
Муте экан нафсимиз токи,
Дунё деган ёвуз сеҳрга.
Яшагаймиз дунёда ёлғиз,
Мудом ташна бўлиб меҳрга!

Бу дунёда инсон имтиҳон қилиниш учун юборилгани

ҳақиқат. Нима бўлганда ҳам Яратганнинг раҳматидан умидвормиз. Унинг даргоҳига, ҳақиқий ватанимизга чин муҳаббат, ёруғ юз, покиза имон билан бормоқ барчамизга насиб этсин.

Марвариддек қалбим тубида
Пок севгимнинг ёди яшайди.
У қалбимга бағишлар илҳом,
Унинг бирла умрим яшнайти
Маккор дунё хийлаларидан
Бўлмагайман асло паришон.
Унинг ёлғон салтанатида
Яшаяпман етгунча имкон.
Қисматимдир-оғиру енгил
Йулларига кўниб қолганман.
Чин дунёга ёруғ юз билан
Бормоқликни ният қилганман.
Севгимнинг пок шуълаларидан
Кўнглим турар доим ёришиб.
Бир кун тугаб қолганда умрим
Рухим кетар унга қоришиб.

Меҳрибон устоз, мўътабар дўст

Узтозимиз, атоқли шоир Ўлмас Жамол гарчи расмий унвони бўлмаса-да ҳақиқий халқ шоиридирлар. У киши қадимдан қондош ва жондош бўлган тожик ва ўзбек халқлари васфида ўлмас ғазаллар, мухаммасу мустазодлар, ширу шакарлар битган забардаст шоирдир. Жумҳуриятимиз Президенти мўхтарам Эмомали Раҳмон томонидан у кишига «Дўстлик» орденини берилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилаётган ҳар бир қаламкаш хоҳ

Ҳажрида қуяр кўнгил

насрда бўлсин, хоҳ назмда бўлсин Ўлмас акани ўзига узтоз дея эътироф этади. У кишининг «Икки тилли бир халқ васфига» мухаммаси мана, чорак асрдирким икки халқ дўстлигини тараннум этувчи шеърлар ичида ҳамон энг юқори чўққини эгаллаб турибди.

Ўлмас ака одабийлик бобида ҳам барчамизга ўрнак бўларли фазилатлар соҳибидирлар. Ҳеч эсимдан чиқмайди, 2002 йилда «Руҳим ранглари» китобим у киши ёзган сўзбоши билан босилб чиққан, «Халқ овози» газетаси таҳририятда китоб презентацияси бўлиб ўтди. Ўшанда Устоз ўзлари ош дамлаб бериб, менга қараб «бир пайтлар менга Чустий домла шундай мурувват кўрсатган эдилар, энди мен ҳам қарзимни узишим керак» деган эдилар.

Устозимиз кейинги йилларда баракали ижод қилдилар. Бу ижод маҳсули бўлиб «Сурур», «Масрур» номли девонлари нашр этилди. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, «йиллар Ўлмас Жамол шеъриятидаги дилбарликка донишмандликни қўшиб боряпти». Ушбу икки девонга кирган шеър уғаллар, мустазоду мухаммасларда дилбар ва ўйноқи сатрлар билан биргалликда донишмандона ҳикматлар ҳам ўз аксини топган. Айниқса «Сурур» девонидан ўрин олган байтларда устоз маърифат боғининг боғбони бўлиб гўзал, ҳикматга бой, фалсафий фикрлар силсиласини яратган. Қуйида ушбу байтлардан баъзиларини келтириб ўтамыз:

«Дўстликни излагин шундай инсондан,
Дўст деб кечаолсин ҳаттоки жондан»

«Ҳасад балосидан кимки форигдир,
Ўшанинг юраги доим ёруғдур»

«Дўстим деб юрганинг қилса хиёнат,
Ўша кун сен учун бўлгай қиёмат»

«Асли тупроқдан қорилган бўлмасайди лойимиз,
Қайта ер оғуши бўлмас эрди сўнгги жойимиз»

«Ишқу дард шоирнинг икки қаноти
Шуларсиз парвоздан маҳрум ҳаёти»

«Сўзни ўйлаб сўзла, Ўлмас, йўқни этгай бор сўз,
Ўйламасдан сўзлаганни айлагай мурдор сўз»

«Унутма, замондош, унутма ҳаргиз,
«Дунё ўзгармагай, ўзгармасак биз»

Яқинда пойтахтга бориб устоздан хабар олдим. У кишининг айтишларича, Устознинг 3-чи девонлари нашр этилиш арафасида экан. Лекин ёзув столларида катта умумий дафтарларида у киши ўзларининг янги ёзган ғазалларидан менга бир нечтасини ўқиб бердилар. Бу шеърлар ҳам 3-чи девонга киритилганми? - деган саволимга, у киши «укахоним Раҳмонберди ҳожи Тошкентда Ўзбекистон халқ шоирлари Жамол Камол, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар билан суҳбат уюштириб дискини юборибдилар. Биродарим Жамол Камол «Ўлмас акамиздан тўртинчи девонни ҳам кутиб қоламиз, биратўла чордевон бўлсин» дебдилар. У ки-

Ҳажрида қуяр кўнгил

шини сўзларини эшитганимдан буён оромим йўқолган
тўртин девонни бошлаб қўйдим дедилар.

Мен устозга ушбу тўртинчи девонни яратишлари-
да омадлар тилаб, яратган эгамдан у кишига узоқ умр,
сиҳат саломатлик, ижодий зафарлар тилайман. Тажи-
кистонда яшаб ўзбек адабиёти равнақиға катта ҳисса
кўшаётган Ўлмас Жамолдек меҳрибон устозим борли-
ғи билан фахрланаман. Яқинда устозлар дуоси ва яхши
одамларнинг кўмағи билан Қўрғонтепа шаҳрида менинг
«Юракнинг маҳзун тунлари» деб номланган шеърӣй
тўпламим нашрдан чиқди. Ушбу китобдан устозим-
нинг 75 йиллиғи муносабати билан ёзилган шеърим
ҳам ўрин олган. Ушбу битикларимни шу шеър билан
яқунламоқчиман:

Устоз Ўлмас Жамолға

Азиз элнинг кадр топган ўғлонисиз, азиз устоз,
Одамийлик бўстонининг боғбонисиз, азиз устоз.
Дилингиздан таралгайдир маърифатнинг шуълалари,
Нафис назмий салтанатнинг султонисиз, азиз устоз.
Истагимдир яна йиллар шу гулшанда жавлон уринг,
Девонлардан кўнгилларға бузиб бўлмас кўприк қуринг.
Ширин ҳаёт «Сурур»идан доим «Масрур» бўлиб юринг,
Сиз миллатнинг ифтихори ва шонисиз, азиз устоз.

04.01. 2012йил

**Адабий бадиий нашр
Ҳасанбой Ғойиб**

**ҲАЖРИДА КУЯР КЎНГИЛ
шеърлар**

**Мухаррир: Жамшид Пиримов
Безовчи: Азамат Юсупов**

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ Шартли босма табағи 10.

**«Графика» Полиграфияси
Қўрғонтепа шаҳри Қахҳоров кўчаси 3.
www.grafika.tj**

Қўрғонтепа-2012

Муаллифлик ҳуқуқи Тожикистон Жумҳурияти
қонунлари ва ҳалқаро нормалар билан ҳимояланади.

